

55.3 (373)

Б26

Ингеборг Балдауф

XX
аср

ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА
ЧИЗГИЛАР

5Уз)
26




FF0000007659

83.3(56)
Б26

Ингеборг Балдауф

XX
аср

ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА
ЧИЗГИЛАР



Nizomiy nomdegi TDRU

~~KITOBXONASI~~

010124/5

19899.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

Роҳбонстон

АҲВОЛСИ-РЕСУРС МАҲКАЗИ

ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЙАТ» 2001

Таниқли олмон олимаси И. Балдауфнинг ушбу туплами тадқиқотчининг Туркистон жадидчилик тарихи ва унинг машҳур шамояндадари ижодига бағишланган. Олиманинг Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий ҳақидаги кузатишилари саралаб олинди. Яниги ўзбек адабиётининг асосчилари бўлган бу сиймолар ҳақидаги хорижлик мутахассиснинг фикр-мулоҳазалари адабиётшунослик фанимиз учунгина эмас, кенг ўқувчилар оммаси учун ҳам қизиқарлидир.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори
Наим Каримов

Тақризчи: тарих фанлари доктори, профессор
Дилором Алимова

ҚАЛБИМИЗГА ЯҚИН ОЛИМА

Олмон адабиётшуноси Ингеборг Балдауф илк бор Тошкентга келганида дорилғунун талабалари билан учрашган эди. Мен уни аудиторияга бошлаб кириб, таништирудим. Балдауф хоним кенг ва ёруғ хонани тұлдиріб үтирган талабаларни күздан кечирди-да, маъруzasини бошлади. Мен унинг XX аср бошидаги ўзбек адабиёти билан ва, айниқса, жадидлар ижоди билан шуғулланишидан хабардор эдим, лекин олима гапни қадимий ривоятдан бошлади.

Әмишки, Оллоҳ Арши-аълодаги жамики малонка ва фаришталарига дўзахни томоша қилдирипти. Дўзахдаги бир жой уларни ҳайрон қолдирипти — бу ердаги гулхан каттароқ, олов янада гуриллаган, дўзахилар дучор буладиган қийноқлар минг чандон даҳшатлироқ экан.

— Бу жой кимга аталган, Парвардигори олам? — деб сурасипти малоикалар.

— Чала муллаларга! — деб жавоб берипти Оллоҳ.

— Негаки, чала муллалик гуноҳлар ичида энг баттари-дир. Бу чала мулланинг касри минглаб одамларга уради.

Ривоятни эшитиб, бошимдан ҳушим учиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Аввало шуки, мен шунча йил адабиётшунослик қилиб юриб, бу гўзал ҳикояни сира эшитмаган эдим. Иккинчидан, Ингеборг ривоятни соғ ўзбек тилида, бирон жойида тутилмай, эзмаланмай ҳикоя қилиб берди. Унинг талаффузи шу қадар тиниқ ва тоза эдики, кўзингизни юмиди тинглассангиз, гапираётган одамнинг ўзбек эмас, бутунлай бошқа миллатга мансуб эканига сира ишонмас эдингиз. Ривоятдан сўнг олима ҳар бир инсон учун билимнинг нақадар зарур экани, билим маънавий камолот эшигини очиб берадиган бирламчи қалитлиги тўғрисида гапирди. Шундан кейингина у ўзининг асосий мавзусига ўтди. У жади ылар тўғрисида тўлқинланиб гапирди. У Мунаввар қори тўғрисида гапирадими, Авлонийдан баҳс юритадими, Беҳбудийни тилга оладими, барибир, уларнинг шахсиятига, қолдирған асарларига, миллат манфаатлари йўлида курсатган жасоратлари ва фидокорликларига нисбатан теран бир

хурмат билан гапиради. Бу ҳурмат замирида эса шұбуюк сиймоларни берган халққа, унинг маданиятига, иқтидорига муҳабbat жүш ураётганини сезмаслик мумкін әмас әди. Шуларни үйлаб үтирад эканман, беихтиёр ана шу үрта бүй, истараси иссиқ, юзидан маңыс табас-сум аримайдиган, құнғир күзларидан теранлик или жиндай киноюомуз нигоҳ уфуриб турган олимага меҳрим товланиб кетди. Тұғри, Ингеборгдан аввал ҳам үзбек адабиётини үрганған хорижлик олимлар күп бұлған, лекин уларнинг орасида үзбек шоирлари ва адиллари, алломалари ва мутафаккирлари ҳақида билғанларини үзбек халқига, үзбеклар диёрига бұлған муҳабbat туйғусига үраб бера билғанлари күп әмасди. Беихтиёр Чүл-поннинг «совуқ әллардан муз кийиб келгандар» шаъни-га айтган гиналари эсга тушади. Ахир, бұлар экан-ку... Мутлақо бошқа бир минтақада туғилиб үсган, мутлақо бошқа бир ирққа, миллатга мансуб, мутлақо бошқа бир маданият сарчашмасидан сув ичган одам үзбек тилини үрганипти, үзбек адабиётини үрганипти, үзбек тилидаги китобларни үқиши учун әски араб ёзувины үрганипти. Ва бунинг оқибатида үзбек халқига, унинг расм-руссумла-рига, маданиятига нисбатан қалбіда теран бир муҳабbat туйғуси жүш урипти. Шундоқ экан, бу ажойиб олимага, бу гүзәл инсонга қалбимиз түридан жой бермаслигимиз мумкінми? Ундан меҳримизни дарыг тутмоғимиз үрин-лими?

Лекин ғап фақат бундагина әмас. Ингеборг Балда-уфнинг олима сифатидаги яна баъзи бир сифатларини айтмасликинг иложи йўқ.

Ингеборг хоним Тошкентга қылған илк сафаридан юртига қайтар экан, менга Беҳбудийнинг «Саёҳат хотиралари» мақоласининг немис тилига қилинған таржи-масини ва унга ёзған шарҳларини тұхфа этди. Мен улар билан танишиб чиқдим. Кейинчалик мен унинг бошқа мақолаларини ҳам үқиши шарағига мұяссар бўлдим. Улар билан танишиш жараённан Ингеборгнинг чинакам олимлигига тан бердим. Чиндан ҳам, чала муллалик ҳақида тасодифан гапиrmаган экан. Унинг мақолаларида ҳақиқий илмий тадқиқотларга хос бұлған теранлик ва салмоқ бор. Олиманинг фикрлари осмондан тушган ёхуд тасодифан эсга келиб қолған ҳавойи фикрлар әмас — уларнинг бари биринчи манбаларни чуқур үрганиш асосида, асар матнини атрофлича тадқиқ қилиш оқиба-тида пайдо бўлған? Унинг асарларида қандай факт тилга олинмасин, қандай ҳодиса тавсиф қилинмасин,

олима бу факт ва ҳодисаларни қаердан олганини, қайси матнга асосланганини аниқ күрсатади. Унинг асарлари даги саналар қайта-қайта текширудан ўтказилган, жойлар, одамлар, асарларнинг номлари синчковлик билан аниқлаштирилган. Хуллас, олима бирон мақоласида чала муллаликка, билиб-бilmай гапиришга, оддий ҳаёт ҳақиқатини баландпарвоз гаплар, ранговар бўёқлар билан алмаштиришга йўл қўймайди. Буларнинг бари чинакам илмийликнинг бирламчи шартидир. Мен бу сифатларни Ингеборг услубининг фавқулодда хусусиятлари сифатида кўрсатмоқчи эмасман, лекин шунга қарамай, уларни таъкидлаётган эканман, бунинг сабаби бор, албатта. Биз, собиқ шўро адабиётшунослари, ўзимизни «адабиётшунос олим» деб атаб, гердайиб юраверган эканмизу, олимлик учун энг зарур сифатлар нимадан иборат эканини ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Ўзимдан қиёс: мен, албатта Беҳбудийнинг номини мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ эшитган, ҳатто унинг «Падаркуш»ини урушдан аввал нашр қилинган аллақайси адабиёт дарслигидан ўқиган ҳам эдим. (Бу ўринда дарсликнинг муаллифию, қачон, қайси нашриётдан чиққанини аниқ айтмаётганим учун узр, 30-йилларда чиққан тўртбешта адабиёт дарслиги ва хрестоматияларини Асқар Зуннун докторлик диссертациясини ёзаётганда министаваллолар билан, ялиниб-ёлвориб, иши битиши билан қайтариб беришга ваъдалар қилиб, олиб кетганча, ҳали қайтариб беради!) Кейинчалик унинг биографиясига оид баъзи материаллар билан танишдим, айрим узуқ-юлуқ хотиралар эшитдим ва шуларнинг ўзи билан қониқдим. Бунн қарангки, салқам ярим аср мобайнида на Самарқандга бориб, на Тошкент кутубхоналарида Беҳбудийнинг «Ойна» журнали ва Самарқандда нашр этган газетаси билан танишиб чиқишига қунт қилибман. Ҳолбуки, бу журнал ва газетанинг нусхаларидан суратга олиб Америкага жўнатишган ва у ердан бошқа мамлакатларга тарқалган экан. Боя тилга олганим «Саёҳат хотиралари» билан ҳам мен немис олимасининг асарлари туфайли танишдим. Шунинг учун Ингеборгнинг талабалар билан учрашувда айтган ривоятининг бир уни келиб менга ҳам текканди.

Ингеборгнинг илмийлик принципига қатъий амал қилишини, ўзининг олимлигига жуда юксак талаблар қўйишини кўрсатадиган мисоллар келтириш мумкин.

Учрашувларимизда меп Ингеборг хонимдан сўрадим:
— Ингеборг хоним, нечундир сизнинг жади́лар ва

жадидчилик ҳақидаги мақолаларингизда Боймирза Ҳайит асарларига кам мурожаат қиласиз. Сиз у кишининг асарларидан хабардормасмисиз?

Олима бу саволга хушламайгина жавоб қилди:

— Биласизми, у кишининг асарларини ўқиганман, албатта. Лекин у киши кўпгина фактларнинг манбала-рини кўрсатмайди. Шунинг учун айрим гапларига ишонолмай қоламан.

Бошқа бир учрашганимизда бугунги Германиядаги немис туркийшунослари ҳақида «Жаҳон адабиёти» учун мақола ёзиб беришни сўрадим. Бу илтимосим ҳам олиммага маъқул тушмади.

— Бунақа мақоланинг кимга кераги бор? Бундай мақола қуруқ ахборотдан иборат бўлади.

Хуллас, бу гал ҳам у ўзининг синалган меъёрларидан чекинмади, яна ўша жиддийлигини сақлаб қолди.

Ингеборг Балдауф ҳозирча фақат 20-асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод қилган ёзувчилар фаолиятини тадқиқ этаяпти. Унинг Фитрат, Беҳбудий, Чўлпон ҳақидаги мақолалари бугунги жадидшуносликда сезиларли воқеа бўлди. Олима нафақат салмоққа интилади, балки ҳар бир мақолада ижтимоий тафаккур ривожидаги босқичлар ҳақида, ўзбек адабиётининг ўзига хос томонлари тўғрисида жуда теран ва самарали фикрлар айтади. Масалан, «Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда» деган мақоласида Беҳбудийнинг Исмоил Гаспиралидан таъсиранганини айтиб, айни соқда унга айрим масалаларда шарҳ қилганини ҳам, ўз йўлида собит турганини ҳам таъкидлайди. Олима ёзади: «Маҳмудхўжа Исмоилбей Гаспиралини ҳар қанча ҳурмат қилмасин ва ислом дунёсига қанчалар умид боғламасин, барибир, Гаспиралиниг исломий қарашларини, мақсадларини маъқулламайди. Аксинча, у бутунлай бошқа, жадидча принципларга садоқат ила риоя қилади. Беҳбудийнинг «Саёҳат хотиралари»да унинг асосан дунё билан ҳамжиҳатлик, маърифатга юз буриш, маданий муассасаларни кенгайтириш, хўжалик юритишда илфор фан ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берганлиги яқъол кўзга ташланади».

Ингеборг хонимнинг ўзбек халқига меҳри, ўзбек диёрига муҳаббати шунчаки бир мавҳум туйғу эмас. У деярли йил оралаб юртимизга келади; ҳар келганида Самарқанд ва Бухоро каби қадимий масканларни зиёраг қилади, конференция ёхуд симпозиумларда иштирок этади, талабаларга маъruzалар ўқийдӣ. Ўзбек ҳада-

биётшунослари билан гурунглашади, сұхбатлар құради, илмий режаларини ўртоқлашади. Унинг ўзбек зиёлилари билан дұстлиги йил сайин мустаҳкамланиб бораяпти. Бегали Қосимов, Суннатилла Аҳмедов каби олимлар Ингеборгнинг таклифи билан бир неча марталаб Германияга боришганда Ингеборг хоним олмон олимининг меҳмондұстлиги ўзбекларнидан сира қолишмаслигини намойиш этишга ҳаракат қылади. У эңг майда нарсаларда ҳам меҳмоннинг күнглини олишга, бехосдан ранжитиб қўймасликка интилади. Бу интилишда унинг ақлзаковати ҳам, зийраклиги ҳам, фаҳм-фаросати ҳам яққол намоён бўлади.

Яқинда Берлинга бориб келган Суннатилла Аҳмедов ҳикоя қылади:

— Бир куни Ингеборг бизни уйига меҳмонга айтди. Бордик. Эри билан бирга кутиб олди. Шинам хонасида тўкин дастурхон ёзиپти. Авваллари немисларнинг тежамкорлиги, немисча ҳисоб-китоб тўғрисида ҳар хил ривояту ҳикояларни кўп эшитган эдик. Лекин бу гал унақа «ҳисоб-китоблар» кўринмади. Аксинча, дастурхон устида ҳар хил тансиқ овқатлар шу даражада бисёр эдики, столнинг бели майишиб кетай, дерди. Бир маҳал лаганда хушбўй ҳидларини таратиб қовурилган гўшт келди. Ўзингиздан қолар гап йўқ — Оврупо томонларда қўй гўшидан маъқулроқ кўриладиган гўшtlар ҳам бор. Иштаҳа жунбушга келган бўлса-да, ҳеч кимга билдирмай гўштга зимдан қараб қўйдим. Ингеборг буни сезиптими — дарҳол мени тинчлантириди: «Хавотир олманг, Суннатилла Аҳмедович, қўй гўшти, бисмилло, деб сўйилган. Мусулмон қассобдан олганман!» Ана шунақа, Балдауф хоним нафақат илмда, балки кундалик турмушда ҳам ўта зийрак аёл!

Суннатилланинг гапларига нима қўшимча қилиш мумкин? Дарҳақиқат, бу баркамол олима, олижаноб инсон, бекаму кўст беканинг фазилатлари унинг ҳар бир ҳаракатида, ҳар бир ишида яққол сезилиб туради. Қўлингиздаги китобча ҳам Ингеборг хонимнинг илмий фаолияти ҳақида муайян тасаввур берувчи мақолалардан таркиб топган. Аминманки, бу мақолалар нафақат бугунги ўзбек китобхонига катта фойда келтиради, унинг тасаввурларини бойитади, балки муаллифга унинг меҳрини ҳам уйғотади, яна аминманки, шу китобчаси туфайли Ингеборг Балдауф ўзбек китобхонининг юрагига янада яқинроқ бўлиб қолади.

Озод Шарафиддинов,
профессор

МУСУЛМОН ДҮНӘСИДАГИ ИСЛОХОТЧИЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАӘНИДА ҮРТА ОСИЁ ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИ

Биз «Үрта Осиё жадидчилиги»ни синчковлик билан тадқиқ этиш учун қанчалик күп уринсак, у бошқа барча — измлар каби биздан шунчалик узоқлашиб, аста-секин сўниб бормоқда. Бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ: бизнингча, Қобул ва Қошғар, Бухоро ва Олмаота, Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарларни ўз ичига олган ҳудудда ўттиз йилча ҳукм сурган бу ижтимоий ҳодисанинг аниқ ва мукаммал тасвирини чизиб бера оладиган киши топилмаса керак.

Бунинг устига, ушбу ижтимоий ҳодисанинг бевосита иштирокчилари бир хил ғояга таянган ва айнан бир мақсадни кўзлаган бўлсалар ҳам, улар ижтимоий-иқтисодий шароити ва олган таълим-тарбияси жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласидиган турли тарихий муҳитга мансуб эдилар, айни пайтда улар тарихнинг бошқа-бошқа сўқмоқларидан кетган эдилар. Шундай муракабликлар туфайли Үрта Осиё жадидизмининг тўлиқ моҳиятини очишга ҳали вақт эртароқ кўринади. Бинобарин, бу борадаги жиддий илмий тадқиқот ишлари ҳали йўргакда турипти. Бизнинг бу соҳадаги унчалик мукаммал бўлмаган билимимиз эса жуда юзаки ва масаланинг турли жиҳатларинигина ёритиб берадиган салмоққа эга бўлиб, улар маълум мақсадни кўзлаган, енгил-елни хуносалардангина иборат, холос. Менимча, бундай ижтимоий ҳодисани биз таnlаган макон ва замондан ташқарида рўй бераётган ўхшаҳ ҳодисалар билан таққослаш бизни бундай нуқсонлардан халос этади ва бизнинг Үрта Осиёдаги жадидчилик табиатини ва унинг айрим муҳим жиҳатларини янада яхшироқ тушуниб олишимизга кўмаклашади.

Ушбу соҳанинг тадқиқотчиларидан бўлмиш Адиб Холид «жадид» деб аталиши мумкин бўлган шахсларни таърифлаб, қуйидаги дастлабки таърифини таклиф қиласи. Унинг таърифича, мусулмонлар жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларидан фойдаланиш орқали ислоҳ қилишга уринувчи

шахслар «жадидлар» деб аталади¹. Соддороқ айтганда, шуни таклиф қилиш мумкинки, ўз ниятларини рўёбга чиқариш йўлида бир-бiri билан яхши боғдана олмаган шахслар Исломл Гаспринский таклиф этган ва дастлабки даврда «усули жадида» деб аталган мактаб тизими билан маърифатпарварлик ва янгиланиш (модернлаштириш) ғояларини амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатган.

Эдуард Лаззеринининг таъкидлашича², Гаспринский ислоҳотларга даъват этганда Оттомон (Усмонли турк) империясида қўлланилган «танзимат» атамасини қўллашни маъқул кўрган эди. Гаспринский таклиф қилган мактаблар ўзбек тилида «мунтазам мактаблар» деб аталса, бу атама жадидчилик ҳаракати рақиблари томонидан камситиш маъносига қўлланилган «жадид мактаблари» атамасидан кўра маъқулроқ бўлган бўлур эди.

«Танзим» сўзининг келиб чиқишига бир назар солсак, у тарихан «тузатиш киритиши», «тартибга солиш», «яхши ташкил қилиш», «имкон борича яхшилаш» маъносини билдиради. «Мунтазам» сўзи эса, этимологик маъносидан қатъи назар, Крим ва Волгабўйи татарлари тилида «замонавий» маъносини ифодаловчи калима сифатида мавжуд. Афтидан, Гаспринский ислоҳот ўтказиш ғоясини илгари сурганда айнан мусулмонлар жамиятини тартибга келтириш, уни замонавийлаштириш ва уни замон талабига жавоб берга оладиган ҳолатга келтиришни назарда тутган.

Жамиятни ҳавас қилса арзидиган даражада тартибга келтиришни ният қилган кишилар бу батартиб шароитга бутун ҳаётлари давомида ўқиш-ўрганиш орқалигина эришишлари мумкин эди. Таълим жараёнининг дастлабки босқици бўлмиш болалар таълими учун Гаспринский «усули жадида» деб аталган янги усулни ишлаб чиқсан эди. Исломлбей ўз фаолиятида, аслида, XIX аср Оврупо педагогикасига мансуб усулларни ўзлаштириб олган рус педагогларининг тажрибаларини қўллаган эди. Замонавий усулларни ёқлаб чиқсан мусулмон ислоҳотчилари ушбу «янги усул»нинг айрим жиҳатлари

¹ Қаранг: Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tzarist Central Asia. PhD, Madison, 1993, 137

² Қаранг: Edward Lazzerini. 'Beyond Renewal. The Jadid Response to Pressure for Change in the Modern Age'. Muslim in Central Asia. Expressions of Identity and Change, EdF Jo-Ann Gros, Durham - London, 1992, 151—166; 162.

ислом мадрасаларида ҳам мавжуд бўлганилигини тан олганлар. Ҳар қалай, мактабларни ташкил этиш, ўқув режалари, йўриқларини тузиш усуллари, умуман педагогиканинг мақсади³ яхлит бир фаолиятнинг қисми сифатида қаралганда ҳам, Гаспринскийнинг усули, ҳақиқатан, янги, «жадидона» усул эди.

Гаспринский анъанавий ислом таълимоти бўйича чуқур билимга эга бўлмаса ҳам, бу таълимот ўзининг равнақ топган даврида таълим тизимиға география, математика, физика ва бошқа фанларни киритганилиги ни яхши билган ва консерватив қаравандаги ғоявий рақибларига ўтмишда фан соҳасида эришилган улкан ютуқларни ўқтин-ўқтин эслатиб турган.

Ҳар қалай, Гаспринский ўтмишдаги шон-шуҳратини тикламоқчи бўлган эмас ва «усули жадида», Лаззерини таъкидлаганидек, ўтмиш тарихдан энг соф, энг тўғри деб қабул қилинган нарсаларни қайтадан янгилаш ниятида пайдо бўлган ҳам эмас. Гаспринский кўпчиликка «янгиланиш»⁴ маъносида таниш бўлган «таждид» усулига учалик эътиқод қўймаган. Бинобарин, у «ислоҳ» деб тан олиниши мумкин бўлган «таждид»ни типик усолда ҳам танлаган эмас.

«Ислоҳ» деганлари, аслида, «тузатиш, қайта таъмирлаш, бирон нарсанинг чириған қисмларини олиб ташлаб, ўрнига янгисини қўйиш билан ўша нарсани асл ҳолига келтириши»⁵, демакдир. «Ислоҳ» исломнинг «олтин даври»да-да мавжуд бўлган, аммо пайғамбар ва «салафи-солиҳ» давридан кейин барҳам топган шароитни қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

«Таждид» ва унинг усули бўлмиш «ислоҳ»да тараққийпарварликдан кўра, аксинча, аксилтараққийлик кўпроқ кўзга ташланади. Чунки, бунда улар ўтмишдаги шароитни маъқуллаш ва уни қайта тиклаш ғояси илгари сурилади. Гаспринскийнинг дунёқарashi эса, ҳар қалай, тараққиёт сари интилиш эди. У мусулмонлар жамиятининг бугунигина эмас, балки кечаги турмуш шароитида ҳам яхшироқ бўлган тизимни яратиш ниятида бўлган⁶.

³ Қаранг: Гаспринский қаламига мансуб «Хожаисибён», Богчарой, 1888 ва «Раҳбари муаллим», Богчарой, 1898.

⁴ John o VOLL'Renewal end Reform in Islamic History: Jadid' and 'Islah', Voices of Resurgent Islam, ed., John L. Esposita, N—Y, 1987, 35—43F.

⁵ «Ислоҳ» сўзининг таърифини қиёсланг: «Ислоҳи Қавм», “Al-Islah”, I. 1915, 8—14; 10.

⁶ Лаззеринининг кўрсатилган асарига қаранг.

1914 йили Гаспринский вафот этганда, унинг ўртасиёлик мухлисларидан бири бўлмиш Розий (Рожий) унга бағишлиб марсия ёзган. Унда Гаспринский «тафаккур мужаддиид», деб кўкларга кўтарилиган⁷. Бу ифода ўша мисраларда қанчалик маъқул ёки номаъқул тарзда муаллиф томонидан қўлланилган бўлмасин, ўша давр мусулмонлари қулогига бу сўз мўътабар зотларга нисбатангина қўлланилган «мужаддид» ифодаси (унвони) у кишига нисбатан билдирилган анъанавий эҳтиром намунаси эди. Ҳадисларда айтилишича⁸, ҳар янги аср бошида Оллоҳ Ислом дунёсининг дастлабки давридаги анъаналарнинг қайта тикланишига ёрдам бериш ниятида мусулмонлар жамиятига бир «мужаддид» юборар экан. Аслини олганда, Гаспринскийнинг асосий методологик асарлари ҳижрий XIV асрнинг бошларида нашр этилган бўлиб, улар ўз даврида улкан ислоҳий самаралар берган. Ўртаосиёлик мухлис қrimлик устозига нисбатан бу таърифни истиоравий маънода қўллаган бўлиши ҳам мумкин. Агар бу сўзниг анъанавий маъносига эътибор берсак, ҳар қалай, бу иборани Гаспринскийга нисбатан қўллаш уччалик маъқул эмас. Чунки, исломдаги анъанавий мужаддиддан фарқли ўлароқ, Исмоилбей ўтмишдаги «олтин давр»ни қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган.

«Мужаддид» сўзи устида баҳс борар экан, Гаспринский ва унинг маслакдошлари ўртасидаги ўзаро фарқ ва ўхшашликларни аниқлаб олиш зарурдир. Рожий сингари XX асрдаги ўртаосиёликлар «мужаддид» сўзини анъанавий маънода тушунган бўлишлари мумкин. Ислом анъанасидаги «мужаддид» сўзи ҳақиқий ислом руҳини⁹ яна қайтадан дунёга келтиришни кўзлайди. Бу билан нима назарда тутилади?

«Ижтиҳод», оддий сўз билан айтганда, шунчаки «уриниш» деган маънони билдирибгина қолмай, балки Исломнинг асосий қонуни бўлмиш Қуръондан ва ҳадислардан қонуний (хуқуқий) бир фикрни олишга интилиш, демакдир. «Мужаддид» эса анъанавий тарзда авлоддан авлодга ўтиб келаётган хуқуқ мактаби асосларининг

⁷ Қаранг: Ф. Розий, Исмоилбей ҳазратларига. «Ойна» 49, 1914, 1165; ...фикрда ва дилда мужаддид.. Розийнинг Гаспринскийга нисбатан қўллаган яна бир эпитети ...қутби замон.

⁸ Қаранг: Ella Landau — Tasseron. 'The Cyclic Reform' A Study of the Mu‘jaddid Tradition: *Studia Islamica* 70? 1989? 79—117.

⁹ Қаранг: John o Voll. Кўрсатилган асар, 1983, 32—47; 47.

иуфузли асарларига эмас, балки асосий қонун (Қуръон) га таяниб иш күришни маъқул кўради.

ХХ аср бошларида Ўрта Осиёдаги ҳукуқ амалиётчилари асосан Xанафий мазҳабига хос таълимотга асосланган ҳолда иш ўрганишган. Кундалик ҳаёт тарзидан тез-тез кўзга ташланиб турганидек, бундай асарлардан мавжуд саволларга тўла жавоб олиб бўлмайди. Ҳар ҳолда, ўртаосиёлик жадидчиларимиз, масалан; самарқандлик муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий келган хулоса ани шундай эди.

1915 йили «Ойна» журналида эълон қилинган мақоласида, Беҳбудий Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларида таҳсил кўрган талабалар уларга рўпара келган қийинчиликлар ҳақида фикр билдиради. Унда кўтарилиган асосий муаммолардан бири таом масаласидир. Беҳбудийнинг ҳамюртлари орасида кенг тарқалган ғояларидан бири ғайримусулмонлар томонидан сўйилган гўштнинг мусулмон аҳли томонидан истеъмол қилинmasлиги ҳақида¹⁰. Беҳбудий ўз диндошларини Россия давлати берган ўқиши имкониятидан тўлиқ фойдаланишга тинимсиз равишда даъват этади. Бироқ бу талабалар учун маъқул таом бўлмаган муҳитда улар қандай яшашлари мумкин?

Беҳбудий бир ҳадисни эслатиб, уни қуйидагича талқин қиласди: Пайғамбардан унинг саҳобалари: «Ғайридин қўшинилар (муширик) сўйган гўштни мусулмон аҳли истеъмол қилиши жоизми?» — деб сўраганларида, у ҳазрат мусулмонларга бу таомни ейишдан олдин «бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим» деб истеъмол қилишга даъват этгани экашлар. Беҳбудийнинг талқинича, истеъмол қилини жоиз бўлмаган таомдан мусулмон аҳли ана шу «басмала» таомили асосида фойдаланиши мумкин¹¹.

Истеъмол учун сўйиладиган жонзотни ким сўйганлиги масаласи қадимдан диний анъанага содиқ мусулмонлар ва «ижтиҳод» тарафдорлари ўртасидаги низога сабаб бўлиб келган. Унинг замирида парҳез масаласигина эмас, балки бир ҳудудда яшайдиган мусулмонлар

¹⁰ Айтидан бу фикр мусулмонларнинг асосий низомига мос келмайди. Кейинги саҳифаларга эътибор беринг.

¹¹ Қаранг: «Таҳсил ва сафар замони ва таом», «Ойна», 10, 1915, 242—248; 246—247.

билан ғайридинлар үртасидаги айрим келишмовчиллик-ларга ишора ҳам ётади¹².

Беҳбудий ўз миллатининг тараққиётини кўзлаб, бошқа эътиқоддаги миллатларнинг анъаналарига мослашиш, яъни бошқа эътиқод вакиллари сўйган гўштини истеъмол қилиш масаласида анчагина эркинлик берувчи йўлни танлади. Бу билан у «ижтиҳод» сари қадам қўйган эди. Ана шу қарашлари учун ҳам у диний анъана-га содиқ кишилар томонидан танқид остига олинган¹³.

1915 йил шароитида «ижтиҳод»га чақириш ҳуқуқини талаб қилганликда айбланиш Урта Осиё мусулмонлари муҳитида хавфли бир ҳол саналган; ҳаттоқи энг содиқ жадидлар ҳам бу ишдан ўзларини тийиб турганлар, чунки оммавий тарзда ижтиҳодга даъват қилиш, Абу Ҳанифа шаръий қонунчилик мактаби таълимотини инкор этиш билан тенгглаштирилиши мумкин эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг ва ўзига ўхшаш маслақдош жадидларнинг Имом Аъзам таълимотига шак келтиришда айбланишларига қарши бир неча бор қатъий раддиялар берди¹⁴. Ҳар ҳолда, ҳадисдан «дабҳ» борасида ўз мустақил фикрини баён этиш учун Беҳбудий қандай иборани танлаган бўлмасин, у ижтиҳод усулини қўллади. Бу ҳол эса уни ислом дунёсидаги қадимги «ислоҳий анъана»лар доирасига киритади.

Биз машҳур мужаддидларнинг шахсияти таълим ва тарбия масалалари билан шуғулланувчи Россия мусулмонларини ҳам қизиқтирганини яхши биламиз. 1911—1915 йилларда Оренбургда нашр этилган «Шўро» журналида VIII асрда яшаган мужаддид Ибн Таймия¹⁵ ҳақида, Муҳаммад ва унинг умматлари ҳақида қатор мақолалар босилиб чиқсан.

¹² Қаранг: R. Foltz, 'Ecumenical Mischief under the Mongols', Central Asiatic Journal, 43, I, 1999, 42—69; 59; Michael Kemper, Sufiz Gelehrte in Tatarian und Baschkirien 1789—1889. Der Islamische dikurs unter Russischer Herrschaft, Berlin, 1998; 289 sqq.

¹³ Тошкентда нашр этиладиган «Ал-Ислоҳ» журналида (9, 1915, 260—263 ва 10; 297—299) чоп этилган «Қутиммаган талқин» деб номланган мақола муаллифи Мулла Муҳаммад Расул Расулийнинг фикрича Беҳбудий ўша ҳадисни иотугри талқин қилган ва беҳуда мулоҳаза юритган. Унинг ёзишича «...муҳаррир жанобларининг ижтиҳодлари бир неча важеҳдин ботилдир».

¹⁴ Қаранг: «Ҳақсиз ҳужум мақоласи ҳаққинда», «Ойна» 8, 1915; 187—190; 188.

¹⁵ Ибн Таймия шахсига қизиқишлиар ҳақида қаранг: Hald Ahmed Nizamîf 'The Impact of Ibn Taymiyya on South Asia', Journal if Islamic Studies, I, 1990, 120—149; 120.

Агар Ўрта Осиё зиёлиларининг ушбу журнални ўқиғанлиги ва унинг саҳифаларида иштирок этиб тургандарини эътиборга олсак, янгиликка даъват этган ушбу шахслар фаолиятидан яхши хабардорлиги маълум бўлади. Бу журналхонлар «Шўро»нинг ислоҳотчиларга бўлган эътиқодига шерик бўлган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Ўрта Осиё ислоҳотчилари, агар бу ҳаракат жадидлар чириган деб ҳисоблаган мусулмон диний идораларига¹⁶ қарши қаратилган бўлса, улар бу ишга тайёр эдилар¹⁷.

Россия маъмурияти жадидлар ва улар рақиблари нинг душманлик ҳаракатини амалга оширишларига йўл қўймаганлиги боис¹⁸ ислоҳотчиларнинг қуроли кучсизлик қилди, зеро, улар, милтиқ эмас, балки қалам билан ҳаракат қилганлар. Бинобарин, цензура Ўрта Осиё матбуотида уламоларга қарши мақоланинг чоп этилишига йўл қўймаган¹⁹.

Ўрта Осиё жадид зиёлиларининг истилочиларга қарши курашида уларнинг аҳволи ҳавас қилгудек бўлмаган, чунки чоризм маъмурияти улар фаолиятини тинимсиз таъқиб қилиб келар эди. Жадидларнинг энг «овруполашган» машҳур намояндадаридан бири Мунаввар қори фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ чоризм маъмурларига нисбатан нафратли муносабатда бўлган. Маслакдошларидан фарқли ўлароқ, у ўзининг бу нафратини яширишга уриниб ҳам кўрмас ва шу боис бу ҳол чор маъмурларига яхши маълум

¹⁶ Албатта, бу шахслар ҳақида улар 20-аср бошларида Истанбул, Буюқ ва бошқа шаҳарларда нашр этилган китоблардан хабардор бўлган бўлишлари мумкин.

¹⁷ Мусулмоnlарга қарши мулоҳаза билан бу ҳақидаги фикрларга қаранг: Dominique Urvoys: *La polemique autour de l'assimilation par l'ordre des pratiques non islamiques*, *Studia Islamica* 68, 1988, 129—146.

¹⁸ 1914 йил бошларида самарқандлик бир муazzzin жадидларни ва ўз болаларини янги усул мактабларига берган кишиларни қоралаб, уларнинг хотинлари талоқ бўлиши, ўзларини эса қатли ом қилишга даъват қилганда маҳаллий маъмурият бу ишга аралашган. Бу ҳақда яна қаранг: «Ойна» 12, 1914; 295.

¹⁹ 1906 йилнинг ўрталаридан бошлаб Туркистон матбуотининг дастлабки қадамлариданоқ анти-клерикал руҳдаги мақолалар маъмурият томонидан таъқиб остига олинган эди. Бу ҳақда қаранг: Alexander Benningsen, Chantal — Lemersier — Quelquejay: *La Presse et le mouvement national chez les Musulmans de Russie avant 1920*, Paris, 1964, 1963. Шу тарздаги таъқибчилик Тошкентда чиқадиган анъанавий ислоҳотчилик руҳидаги «Ал-Ислоҳ» журналида ҳам қўлланилган.

эди²⁰. Асримизнинг дастлабки йиллариданоқ у рус-тузем мактабларидан кўра, «услисавтия» мактабларини кўпроқ ёқлаб чиққан; унинг фикрича, мусулмонларнинг чидаб бўлмайдиган шароитини яхшилашни чор маъмурлари хаёлларига ҳам келтирмаган²¹.

Совет маъмурлари томонидан 20-йиллар охирида ҳибсга олинган Мунаввар қори ўзининг сиёсий мақсади Ўрта Осиёда чор ҳукуматини ағдариш эканлигини тан олган²². Ушбу тан олишлар, албатта, кучли тазииклар остида бўлганилигини яхши тушунганим ҳолда, чоризмга қарши ҳаракатда Мунаввар қорининг ўрни борлиги ҳақида бирон нарса дейиш қийин. Ҳар қалай, шуниси аниқки, Мунаввар қори руслар тасарруфидаги муассасаларнинг ўртаосиёликлар манфаатини кўзлаб иш тутишига ишонмаган. Акс ҳолда (эҳтимол, татарлар маслаҳатига кўра), у Россияга ўқишига юборилаётганлардан кўра, Туркия ва Германияга ўқишига юборилаётган ўртаосиёлик ёшларни қувватлаб, Тошкент Халқ Университетида мусулмонлар бўлимини очишини ёқлаб чиқармиди?²³ Мунаввар қори мусулмон ёшларнинг чор рус империяси маъмурияти тасарруфидаги олий ўқув юртларида ўқишлирига лоқайдлик билан қараб юрган пайтларда унинг «Садойи Туркистон» газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган маслакдоши Убайдулла Асадуллахўжаев Саратовдаги институтни ҳуқуқшунослик бўйича битириб келади. Бу ҳол эса, уни империализмга муносабатини белгилаган омиллардан бири бўлиб хизмат қилган²⁴.

Яширин тарзда амалга оширилиши кўзда тутилган ҳаракатга тайёргарлик кўриш учун кўпгина жадидлар чор маъмурлари тавсия этган ўқув жиҳозлари ва замонавий алоқа воситаларини қабул қилишга мойил эдилар. Ҳатто 10-йилларнинг ўрталарида ҳам Беҳбудий ўз

²⁰ Қаранг: Шерали Турдиев. «Роль России в подавлении джадидского движения» (по материалам архива СНБ Узбекистана), «Центральная Азия», 1 (13), 1998.

²¹ Беннингсен томонидан «Тараққий» (1906) асаридан олинган.

²² Қаранг: Ж. Йўлдошев, С. Ҳасанов. Жадид тарбияшунослиги асослари. Тошкент, 1994, 44. Ушбу китобдаги маълумот «Қизил Узбекистон» газетасининг 1927 йил, 7 июнь сонидан олинди.

²³ Йўлдошев, Ҳасановларнинг кўрсатилган асари, 46 ва кейинги саҳифалар.

²⁴ 1909 йилда бошланган бу курашни тасдиқловчи айrim ҳужжатлар шонир Шукрулло томонидан «Тирик руҳлар» асарида (1999) эълон қилинган.

иортдошларини рус гимназиялари ва Петербург университетида ўқишга юборишга даъват этган ва уларнинг шу йўл билан ҳукуматда бирон-бир лавозимни эгаллаш орқали ўз миллатига яхши хизмат қилиши мумкинлигига қаттиқ ишонган эди. Унинг фикрича, қонун чиқариш ишларида (II Думада (1907) Туркистондан 2 та ноиб бор эди²⁵) ва капиталистик иқтисодиётда иштирок этиш империализмга қарши курашда энг самарали восита бўлган бўлар эди.

Ислом модернизми билан шуғулланувчи олимлар XIX аср давомида модернистларнинг қизиқиши доираси маърифий ва маънавий майдондан иқтисодий ва сиёсий жабҳаларга кўчганлигини якдиллик билан эътироф этмоқдалар²⁶.

Ўрта Осиё мусулмонларида бундай қараш бошқа ердаги мусулмонлардан, чунончи, илғор татар мусулмонларидан кейин пайдо бўлди. Афтидан, тошкентлик ва фарғоналий ислоҳотчилар XX аср бошлари ва бошқа жойларда бундай ўзгаришлар рўй бериб бўлгандан кейин, хусусан, анча илғор қарашли татар зиёлилари изидан боришлари натижасида, қонунчилик иши ва иқтисодий соҳаларда ислоҳот қилиш зарурлигини англаб етдилар.

1904 йил давомида Маҳмудхўжа Беҳбудий Россия ҳукумати ҳукмронликни ўз қўлига олгандан кейинги туркистонликлар ҳарбий хизматга олинмайдиган бўлганини таъкидловчи мақолаларни чоп этиб турди. Бу мақслаларда, шу билан бир қаторда, мамлакатда ҳунарманчичлик ва савдо-сотиқ ишларининг ривожлангани, аҳоли сонининг тинмай ошиб бораётганлиги, бу ҳол эса аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлигидан далолат берувчи далиллар экани айтилади ва бундан маҳаллий мусулмонларнинг Россия ҳукуматидан миннатдор бўлиши лозимлиги таъкидланади²⁷.

Қолоқ ва адолатсиз маҳаллий мусулмон ҳукмдорлигидан кўра, ғайридин келгинди ҳукмдорни маъқул кўриш мусулмон дунёсида мисли кўрилмаган ҳодиса эди.

²⁵ Диляра Усманова. Мусульманская фракция и проблемы «свободы совести» в Госдуме России (1906—1917 гг). Казань, 1999, 128...

²⁶ Қаранг: Fazlur Rahmon: 'Islamic Modernism: Its Scope, Method and Alternatives', IJMES, I, 1970, 317—333; 317.

²⁷ «Письмо из Самарканда», «Туркистон вилоятининг газети», 1904, 24.

Бундай кайфиятдаги зиёлиларни Усмонли Турк империясида ва XIX аср Ҳиндистонида учратиш мумкин. Ҳар қалай, Россиянинг босқинчилик сиёсатига асосланган ҳукмронлиги Ўрта Осиё иқтисодиётiga, айниқса, ҳунармандчиликка қандай фалокат олиб келишини, ҳукмрон доираларнинг ўз қўллари остидаги аҳолининг миллий аҳиллигига путур етказиш ва яхлит миллатни парчалашни ният қилган империалистик сиёсати нималарга олиб келиши ҳақидаги фикрларини тушуниш учун Беҳбудийга унчалик кўп вақт зарур бўлмади.

Иқтисодиёт ва замонавий сиёсат масалаларининг чамбарчас боғлиқлиги бухоролик ёш йигит Абдурауф Фитрат томонидан ҳам таъкидланган бўлиб, у ҳам Беҳбудийнинг якка ҳукмдорликка қарши қаратилган фикрлари билан ҳамнафас эди. Фитрат матбуотдаги дастлабки чиқишлиарида ёқ маърифат учун кураш империалистик ва босқинчилик сиёсатига қарши кескин кураш билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозимлигини ўқтириди²⁸. Ҳақиқатан ҳам, 1917 йилга келиб, жадидлар мухторият учун кураш ғояси атрофида шаклландилар. Уларнинг баъзилари эса дин манфаатини кўзлаб, босмачилик тугатилгунга қадар миллий озодлик ҳаракати учун «жиҳод»ни ошкора равишда қўллаб-қувватлаб келдилар.

Туркистон модернистлари ҳақида сўз юритилганда, ички «кураш»нинг бир жиҳатини эътиборга олиш лозим бўлади. Уларнинг тариқат учун курашган «эшон»лар каби садоқат ва холис ният билан олиб борган ишлари жамиятдаги иллатларга қарши олиб борган курашларида аниқ кўринади. Юқорида зикр этилганидек, чор ҳукумати мусулмон уламоларининг муассасаларига қарши кескин кураш олиб борилишига йўл қўймаган ва айни пайтда «тариқат» вакилларини ишончли ҳимоя ҳам қилмаган.

Николай Остроумовга ўхшаш шахслар маҳаллий аҳоли ўртасида Чор Россияси сиёсатини тарғиб қилиб уламолар билан доимо яхши муносабагда бўлшишга ҳаракат қилганлар. Чунки уларга оммани ҳукмрон доираларга қарши бош кўтаришдан қайтариб турадиган омил сифатида қарабалган.

²⁸ М. Беҳбудий «Тараққий» газетасининг 1906 йил, 7-сонида ёзиди: «Акс ҳолда Оврупо маҳсулотларининг шафислиги ҳунармандчилигимизни синдиради ва Оврупо сиёсатчилари вужудимизни бўлиб юборадилар» (Йўлдошев, Ҳасановлар мақоласидан олинди). Яна қаранг: Абдурауф Фитрат, «Баёноти санеҳи Ҳинди», 1911, 18.

1870 йилдан то 1916 йилгача бўлган даврда нашр этилган ишларда обрў-эътибори ва халқ оммасига таъсири кучли бўлган руҳонийлар Ўрта Осиёдаги чоризм ҳокимиятига таҳдид солиб турувчи асосий куч, деб уқтирилади. Россиядаги давлат арбоблари, ўзларининг ҳақиқий фикрлари баёни бошқачароқ бўлса-да, жадидларнинг ўз сўфий биродарларига қарши тинимсиз ва шафқатсиз кураш олиб боришлари ҳақидаги фикрга мойиллиги борлиги сезилиб турарди. Шундай қилиб, тариқатчилар ва руҳоний раҳбарларга жадидлар томонидан сиртдан қараганда ҳамдардлик ва таскин назари билан қаралса-да, уларни қоралаш жадидлар таълимотининг асосий қисмини ташкил қиласа ва бу ҳол ҳукумат томонидан назорат қилинмас эди. Газета ва журнallар Пайғамбар суннатларини поймол қилаған бидъат ва урф-одатлар танқиди билан тўлиб тошган эди.

Бидъатга қарши кураш мусулмон ислоҳотчиларининг асрлар мобайнида шуғулланиб келган асосий машфулоти бўлган. Тариқатчиликни маърифат манбаи сифатида инкор этмайдиган ислоҳотчилар улар фаолиятининг маҳсули деб қаралган бидъатга қарши курашишни ўз фаолиятларининг асосий вазифаси деб ҳисоблаганлар²⁹. Улар ўз асрларида диннинг ижобий томонлари ҳақида ачиниб ёзишган³⁰, эндиликда унинг тенг ярми бидъатдан иборат бўлиб қолди, бидъат эса кишиларни жаҳолат ботқоғига олиб боради, деган фикрда бўлишган.

Шу руҳда ёзилган асарлардан намуналар келтиришга зарурат бўлмаса керак. Ислоҳотчилар томонидан нашр этилган ҳар бир газета ёки журналда бу мавзуда, албатта, каттами-кичикми мақола чоп этиб турилган. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари эса, жадидларнинг ҳужумига жавобан қарши ҳаракат пайдо бўлиб, омма ўтасида нотинчлик рўй берса ҳам бу ишга атайн аралашмаганлар.

Жадидлар маҳаллий халқ эътиқод қўймоқда бўлган илм-маърифатсиз уламоларнинг мавқенини туширишга қанчалик уринмасинлар, улар арабистонлик ваҳобийлар даражасига бормаган эдилар. Ўрта Осиё ислоҳот-

²⁹ Шоҳ Валиуллоҳ ва бошқа ҳинд ислоҳотчилари ҳақида қаранг: Низомий. Ўша асар, 136-б.

³⁰ Қиёсланг. John O. Voll фундаменталистларни маҳаллий дин билан муроса қилиш кўп худолилик билан баравар, деб ҳисоблайдиган кишилар қаторига қўяди. Қаранг: The Evolution of Islamic Fundamentalism in XX century Sudan. 'Islam, Nationalism and Radicalism in Egypt and Sudan' N—Y., 1983, 113—142; 115.

чилиги билан «ваҳобий» тамғаси босилган фундаментализм орасидаги фарқни ёрнитб берин учун биргина мисолни келтириш кифоядир.

Ҳижозлик ваҳобийларнинг ўзлари «бидъат» деб атаган нарсага қарши олиб борган ишларидан бири Пайғамбар ва унинг оила аъзолари, шунингдек, саҳобаларнинг мақбаратларини бузиб, Мадинадаги хонақоларни вайрон қилишлари бўлди. Ваҳобийларнинг таълимотига кўра, Пайғамбарнинг суннатларида, банданинг ким бўлишидан қатъи назар, у ҳеч қандай маҳсус эътиборга молик бўлмаслиги лозим. Уларнинг таъкидлашларича, банда дафн этилган жойнинг муқаддаслаштирилиши дафн қилинган шахснинг кейинчалик авлиёлаштирилишига, бинобарин, ширкка олиб келиши мумкин.

Бундай қарашлар Ўрта Осиё ислоҳотчиларининг қарашларига бутунлай ётдир. Аслида ҳолат бунинг аксича эди. «Ойна» журнали саҳифаларида иштирок этиб турган муаллифлар ўз юртдошларини «қабристонларни тартибга келтириб қўйиш»га чақирганлар, қўй бозорлари ёхуд ахлатхона сифатида фойдаланилаётган қабристонларнинг атрофини панжаралар билан ўраб қабрларга яхши қарашга даъват этганлар. Россиялик мусулмонларни ҳам жадидларнинг Туркистондаги қабристонлар ҳақида қайгуришларига қўшилганлар. «Унутилган Туркистон қабристонлари» 1911—1913 йилларга оид даврий нашрларда³² шу руҳда босилган шеърий асарларнинг асосий мавзуларидан бирига айланниб қолган.

Агар мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик ва янгила-ниш ҳаракатидаги ўртаосиёлик жадидларнинг ўрни ҳақида баҳс юритиладиган бўлса, хориждаги мусулмонларнинг Ўрта Осиёдаги ислом динининг аҳволи ҳақида нималар ўйлашгани ва ёзишгани ҳақида ҳам мулоҳаза қилиб кўришга тўғри келади. Агар бир сўз билан айтадиган бўлсанк бу фикрлар, аслида, Туркистон ва Бухорода бўлган сайёҳларнинг ўз ватанларига қайтганларидан кейин бу ўлкаларда кўрган-кечирганлари ҳақида сўзлаб берган ачинарли ҳикояларидан иборат, холос. Қавказлик мусулмонлар ва татарлардан чиққани либерал ислоҳотчилар ҳам маҳаллий саждачилик ҳақида, маҳаллий аҳолининг бутунлай «бидъат» билан шуғулланаётганлиги ҳақида ташвишланиб ёзганлар. Ҳаттоқи, жуда эҳтиёткор киши бўлмиш Исмоил-

³² Қаранг: «Ташландиқ қабр», «Шўро», 1912, 21-сон, 671-б. ва бисёркалар.

бей Гаспринский ҳам бу ачинарли ҳол ҳақида «Таржимон» журналида куюниб ёзган³³.

Маҳаллий ислоҳотчилар ўз диндошларини қанчалик шиҷоат билан таңқид қилган бўлмасинлар, Ўрта Осиёдаги ислом динининг ҳақиқий аҳволини хориждагидан анча яхшироқ эди.

Бокуда чиқадиган «Ҳаёт» журналида петербурглик машҳур татар модернисти Абдурашид Иброҳимовнинг мақоласи эълон қилингач, Николай Остроумов «Парчалаб ташлаб, ҳукмронлик қил» шиорини устомонлик билан қўллашнинг айни пайти келганини тушунади. Абдурашид қози бу мақоласида ислом динининг ўртасиёлик садоқатли қуллари шариат йўлидан тойиб кетаётганларни ҳақида афсус ва надомат билан ёзган эди. Россия империяси мақсадларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлган Остроумов ислом дунёсини хориждан туриб бошқаришга итилаётган «панисломизм»³⁴га қарши курашиб лозимлигини ана шунда яхши англади.

Ўрта Осиё мусулмонлари шаънига татарлар, озарбайжонлар ва қримликлар томонидан айтилаётган бу тухматларни алоҳида таъқидлаб ўтаркан, у Ўрта Осиёдаги жадидларнинг Шимоли-Фарбдаги «кatta оға»ларига қарши ғазабини қўзғаб қўйдигина эмас, балки жадидларга қарши ҳаракат қилаётган туркистонликларнинг ҳам кескин норозиликларини уйғотиб, уларнинг ҳам нафратини ғайридин нўғайларнинг ўртасиёлик малайларига қаратди³⁵.

Россиянинг бошқа минтақаларида яшовчи мусулмонларнинг фикрича, Ўрта Осиёдаги ислом дини маҳаллий авлиёлар (культ)ларга сифиниш орқали ширкка интилиши ва унга боғлиқ бўлган ҳақиқатни оммадан анъанавий тарзда яширишдан бошқа нарса эмасди. Гаспринскийга ўхшаган айrim кишиларгина ўртасиёликларнинг ислоҳотчилик ва янгиликсевар (мо-

³³ «Туркистон вилояти газети», 1905, 44 дан олинди.

³⁴ Панисломизмиинг Россия ва Буюқ Британия ўртасидаги муносабатларидаги роли ҳақида қаранг: Maitur Rahman Farrooq: 'Pan Islamism in the XIX Century' Islamic Culture, 57(4), 1983, 283—296 Fқ.

³⁵ Мунозара «Туркистон вилояти газети»да 1905 (44) йилдан бошланиб 1906 йилгача давом этган. Аксил империал қарашлари билан машҳур бўлган Абдурашид қозининг Ўрта Осиё мусулмонларини 2-Дума арафасида фуқаролик ҳуқуқларини талаб қилиш учун курашга чорлаганлиги Николай Остроумовга унинг обрусини тўкиш учун баҳона бўлган эди. Қаранг: Abdurashid İbrahim. 'Olamî Islam, 2 vol., İstanbul, 1911, 1915.

дернистик) қарашлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эдилар. Иккинчи томондан, шуни айтиш лозимки, Абдурашид Иброҳимов 1907 йилда Тошкентга келгандан «усули савтия» мактаблари, шунингдек, мавжуд жадид матбуоти ёки хайрия ташкилотларининг ишлари билан танишмаган кўринади. У 1908 йилда Самарқанддаги жадидлар муҳити ҳақида сўз юритиб, Шакурий ва Беҳбудийни «ўзбеклар қаҳрамони» деб атаган. Бироқ ўзининг «Олами Ислом» асарида Япониядаги ислоҳотчилик ҳаракати ҳақида ўн саҳифалик маълумот бергани ҳолда Шакурий ва Беҳбудий ҳақида уч қаторликкина жумла ёзган³⁶.

Хорижлик оз сонли ислоҳотчилардан бири афғонистонлик Маҳмуд Тарзий³⁷ бўлиб, у Туркистон ва Бухородаги жадидчилик ҳаракатидан жуда яхши хабардор бўлиш билан бирга бу ҳаракат вакиллари билан яқин алоқа ўрнатишга ҳам интилган. У маърифатпарварлик услуби, ақлий фаолияти, ижтимоий-маданий масалаларга қарашлари билан ўртаосиёлик жадидлар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудийга кўпроқ яқин туради. Худди Беҳбудий сингари Тарзий ҳам маърифатга интилувчи киши бўлиб, биз уни «ўз миллатининг муаллими» деб аташга ҳақлимиз.

Мен ушбу мақолада «ўз миллатининг муаллимлари» бўлган айрим шахслар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтмоқчиман. Ишончим комилки, бундай маълумот ислом дунёсидаги маърифий ва ислоҳий ишларда Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракати ҳақидаги фикрларга кўпгина аниқлик киритади. Бинобарин, бу фикр бизни мақоламиз бошида баҳс юритганимиз Исмоил Гаспринский фаолиятига яна назар ташлашга даъват этади.

Гаспринский ҳақидаги энг таъсирли мақола унинг вафоти муносабати билан ёзилган таъзиянома бўлиб, унинг сарлавҳаси «Биринчи муаллим» дир³⁸. Ҳақиқатан

³⁶ Қаранг: Abdurashid İbrahim. 'Olami Islam, 2 vol., İstanbul, 1911, 1915, 22-бет. 1908 йилда Зокир Бегиев ўзининг 1893 йилда Ўрта Осиёга қўлган сафари ҳақида ахборот бергандан Самарқанддаги мактаб ва мадрасаларда ҳеч қандай ислоҳот ишлари олиб борилмагани ҳақида маълумот беришдан нарига ўтмаган.

³⁷ Қаранг: May Shinasi: Afghanistan of the beginning of the XX century. Nationalism and Journalism in Afghanistan. A Study of Seraj-ul Akhbar. (1911—1918) Naples, 1979.

³⁸ Ҳоди Мақсадий. «Юлдуз» газетаси, 1914 йил, 14 сентябр сони.

ҳам, 1884 йилда эълон қилинган «Хожай Сибиён» асарида муаллиф янги замонавий мактабни қай тарзда ташкил этишнинг асосий мағзини баён қилиб берган. Бу асаридан кейин муаллиф «Раҳбари муаллимим» деб аталган муаллимлар учун қўлланма босиб нашр этган. Мусулмон дунёсида замонавий педагогика бундан анча вақт илгари йўлга қўйилган эди. Усмонли Турк империясининг туркий музофотларида 1868 йили Аҳмад Мидҳатнинг «Хожай аввал» китоби чоп этилган. Бу асар унинг ватандошлари орасида «биринчи муаллим» унвонини олишга мушарраф қилган³⁹.

Гаспринскийнинг қўлланма-дарслиги ва унинг Боғчасаройдаги янги намуна мактаблари Россия мусулмонлари ўртасида катта эътибор қозонган, Аҳмад Мидҳатнинг қўлланмаси эса кетма-кет икки марта нашр этилган бир пайтда ўртаосиёлик Беҳбудий сингари маърифатпарварларнинг қўлланмалари⁴⁰ китобфурушларнинг тажрибасизлиги ёхуд китобларнинг сифатсизлиги учунми, негадир ўз мактабларидан четга чиқа олмаган⁴¹.

Маърифатпарварларнинг фикрича, ўқиш-ўрганиш фақат мактабхоналарда кечадиган ҳодиса бўлмасдан, бутун ҳаёт давомидаги узлуксиз жараёндир. Шу боис «миллат муаллимлари» катталарни саводли ва маърифатли қилиш ишига алоҳида эътибор берганлар ва бу жараённи йўлга қўйиш учун, асосан, маҳаллий матбуот нашрларига таянганлар. «Ойна» журнали Беҳбудийнинг бу борадаги минбари бўлиб, у бу минбардан туриб катталарга археология, география ва гигиенадан тортиб, то тарих, банк иши ва метеорологияча бўлган фанлардан сабоқ берар эди. Бу мақолалар, асосан, маълум соҳадаги хабарлардан иборат бўлиб, биронта илмий тизимга асосланмаган. Худди шу тарздаги тартибсиз «фойдали» материаллар 1870 йилдан бошлаб татарларнинг «биринчи муалими»⁴² Абдуқаюм Носирийнинг оммавий тақвимларида⁴³, Маҳмуд Тарзий томонидан

³⁹ Hasan Ali Yusef: 'Hoce-i Evvel, 149—151.

⁴⁰ Аеримиз бошида Волгабўйи татарларида ҳам, ўртасиёликлар сингари, ҳар бир маърифатпарвар ўз қўлланмасига эга бўлган. Қаранг: «Маҳбуб ул-жамол» Акчуринा. «Мактаб» журнали, 1913 йил, 2-сон; 55—57-бетлар.

⁴¹ Adeeb Halidi 'Printing, Publishing and Reform in Tzarist Central Asia', IJMES, 26, 1994, 187—200.

⁴² Қаранг: Газдрахман Сағди. Татар адабиётлари тарихи. Казань, 1926, 43-бет.

⁴³ 1871 йилдан бошлаб тақвимнинг 24 та сони нашр этилган.

«Сирож ул-ахбор» журналида (1911—1918), ундан сал илгарироқ (1871—1873 йилларда) Аҳмад Мидҳат томонидан «Дағаржик» («Халта») журналида, шунингдек, «Қирқ анбар» (1874—1877) каби журналларда бериб борилган. Бу нашрларнинг журналистика талаблари га жавоб берга олиш ёки берга олмасликларидан қатъи назар, агар бу нашрлар ўз ўқувчисининг қўлига бориб теккан бўлса, уларга зарур бўлган маълумот ва таълимни берга олган, деб айтишимиз мумкин. Туркияда чиққан журналлар 1870 йилдан бошлаб ўз ўқувчилари ни топа олган. «Сирож ул-ахбор» оддий фуқаро ўртасида кўп тарқалмаган бўлса ҳам, анча вақтгача яшаб турди. Чунки унга давлат идораларининг ходимлари ҳам обуна бўлишга мажбур эдилар. «Ойна» журнали эса бир ярим йиллик фаолиятидан сўнг, Беҳбудий таъбири билан айтганда, «муштариysisиз матоҳ зойидир», деган ўқинч билан ёпилди. Беҳбудий «Ойна» журналида тарғиб қилган ахлоқ ва этикага доир дарслар кейинчилик катта ёшдаги саводсизлар учун ташкил этилган тўгаракларида давом эттирилди.

Гаспринский эришган улкан ютуқлар «калит»и у нашр этган адабиётларнинг ўз вақтида чиқарилганлигида, унинг Оврупо педагогикасидан, оммавий ахборот воситалари ишидан ва уларни тайёрлаш технологиясидан яхши хабардорлигидадир. «Таржумон» газетаси Марказий Россия ва Қавказ мусулмонлари «хоби—фафлат» уйқусидан эндигина уйғонаётган пайтда нашр этила бошлаган ва уларга айнан замонавий билим ва янгиланиш тафаккурини етказиб берувчи зарур восита бўлган эди. Ўтган аср охиридаги сиёсий воқеалар ривожига уччалик кўп аралаша олмаган бўлса ҳам, «усули жадида» мактаблари билан бир қаторда бу газета Россия мусулмонлари орасида Гаспринскийга унинг вафотига қадар жуда катта обрў келтирган эди.

Олижаноб тарғиботчи Аҳмад Мидҳат ҳам турк жамияти ривожланиши билан унинг таъсирига берилиб кетди⁴⁴. Беҳбудий ва Тарзий асарларидек, ўтасиёлик кўпгина жадидларнинг асарлари ҳам, асрлар оша келаётган мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик қарашларию илфор маърифатпарварларнинг куашлари жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнга сингиб кетмади. Мусулмон модернизми (янгиланиш)

⁴⁴ Қаранг: Фотиҳ Қаримов. Истанбул мактублари, Оренбург, 1913, 152-б.

тараққиети нұқтаи назаридан қараганда, улар күп нарсаға әриша олмаган бўлсалар ҳам, афтидан, ўзлари яшаган Ўрта Осиё ҳаётига анча эрта кириб келган әдилар. Мусулмонча ҳаёт тарзининг барча жабҳаларида таъмирлаш ва ислоҳот ўтказиш учун, жамиятни замонавийлаштириш учун олиб борган курашлар, шунингдек, исломий қонунчилик масалаларидағи «ижтиҳодий» интилишларда уларнинг муваффақиятлари катта бўлмади. Советлар ҳукмрон бўлган ҳудудларда бундай интилишларга узил-кесил чек қўйилди.

Афсуски, мусулмон дунёсининг бошқа жойларидаги мутахассислар Ўрта Осиё жадидчилиги ҳақида кўзга кўринадиган маълумотни деярли ололмай қолдилар. Ҳеч бўлмагандан, илмий нұқтаи назардан жадидларнинг тарихдаги ўринин аниқлаб қўйиш ҳозирги тарихчилар олдида турган муҳим вазифадир.

МАҲМУДХУЖА БЕҲБУДИЙ ФАЛАСТИНДА

Самарқандлик жадиднинг «Саёҳат хотиралари» асарининг олмонча таржимасини ўқиб...

Куддуси Шариф ва Фаластин сайёҳларининг хотира китобларида эътибордан четда қолган, тилга олинмаган жойлардан эмас. Йигирманчи асрнинг иккинчи ўн йиллигига ҳам кўйлаб сайёҳлар бу муқаддас жойлар тўғрисидаги ўз таассуротларини қофозга туширганлар¹. Бизнинг эса асосий мақсадимиз 1914 йили нашр этилган бу мақолани, гарчи унинг муаллифи бўлмиш ўртаосиёлик зиёли Фаластинни зиёрат қилган бошқа сайёҳлар тилга олмай ўтиб кетган нарсаларни тасвирлаган бўлсада, қайтадан чоп этиб, мазкур жой тўғрисидаги маълумотларнинг кемтик жойларини тўлдириш эмас. Аксинча, мақсадимиз сайёҳнинг ўзи ҳақида баъзи маълумотларга эга бўлиш ҳамда ушбу хотиралар ойнасида акс этгац, сайёҳга жуда яқин бўлган, эҳтимолки, унинг кўнгил торларини чертиб ўтган нарсаларга бир назар ташлашдир.

Ҳали фанда «Саёҳат хотиралари»нинг муаллифи Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг (1875—1919) ҳаёти ва ижоди ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топмаган. Шу сабабли мақоламни Беҳбудий шахсияти² ва «Саёҳат хотиралари» нинг муаллиф ижодида ҳамда Русиядаги жадидлар ҳаракати доирасида тутган ўрнини кўрсатувчи муҳтасар муқаддима билан бошламоқчиман.

Маҳмудхўжа Беҳбудийни Ўрта Осиёдаги барча жадидларни бирлаштиришга интилган йирик намоянда десак, хато қилмаймиз. У бутун Чор Русиясидаги ҳур фикрли, маърифатпарвар мусулмонлар билан мунтазам алоқада бўлиб турар, айниқса, Исмоилбей Гаспралиниг ашаддий муҳлиси эди. Исмоилбейнинг маърифат-парварлиги, келажакка умид кўзи билан қарashi «мусулмон жамияти ижтиҳод эшикларини ланг очиб, яхшилик томон юз тутади, ҳозирда ҳукм суреб турган бидъат, хурофотдан халос бўлади», деган фикрларини Беҳбудий жон-дилдан маъқуллар, ўзи ҳам шундай фикрда эди. У мусулмонлардан дунёга очиқ кўз билан қарашни, замонавий хўжалик юритишда билим, фан билан қуролланиб фаоллик кўрсатишни талаб этарди³. Маҳмудхўжа тарихий исломий-шарқий таълимотдан воз кечмаган

ҳолда, Русия ва Оврупо зиёлиларининг билимларидан ҳам баҳраманд бўлишга интиларди⁴. У Ўрта Осиё халқларини «бойлик» (яъни капитализм) томон элтадиган бирдан бир ишга яроқли тарбия усули сифатида Исломил Гаспиралининг «усули жадид»ини тинмай тарғиб қиласарди. Дунё беаёв «ҳаёт-мамот кураши майдони»га⁵ айланган бир пайтда, Маҳмудхўжанинг фикрича, ўртосиёликларга биринчи навбатда билим ва «бойлик» керак эди. Фақат шуларгина халқнинг бу бўхрондан омон чиқиши ва мустақиллигини кафолатлайдиган телефон, телеграф, темирйўллар, ҳаво йўллари каби илфор техника воситаларига эгалик қилиш имкониятини туғдирарди.

Маҳмудхўжа фаолиятининг ғоят ўзига хослигидан қатъи назар, у Кримдаги Гаспирали, Қозон татарларининг Қаюм Носирийси, усмонли туркларнинг Аҳмад Мидҳати сингари Ўрта Осиёning халқ муаллими эди. У ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли замон руҳидаги билимларни юксак тарбиявий талабчанлик билан бошқаларга қараганда мароқлироқ, қизиқарлироқ, оддийроқ тарзда, халқ тилида⁶ ёйишга интилди. Халқнинг илмга чанқоқлигини қондириш мақса тида Беҳбудий бир қанча илмий-оммабоп жуғрофий китоблар ва Туркистоннинг табиий харитасини чоп этди. Қўплаб ўқув материаллари, ўқиш китоби ва диний китоблар, мактуб ёзиш қўлланмасини яратди. Бу асарларнинг баъзилари форсийда, баъзилари туркийда ёзилган бўлиб, Беҳбудий уларни Самарқанднинг янги шаҳар қисмида жойлашган ўзининг шахсий дўконида тарқатган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий халқ муаллими бўлишга интиларкан, мақсадга эришишнинг осонроқ, қулайроқ йўлларини ахтаради. Саводсиз, ўқиш-ёзишни билмайдиган оми халқ орасида зиё, маърифат тарқатиш мақсадида у ерли халқ орасида биринчи бўлиб янги театр ва кинони тарғиб этди⁷, ўзи 1914 йили «Ўрта Осиё ҳаётидан бир «фожиа» ёки «Падаркуш» пьесасини яратди. 1913 йили эса, миллий актёрлар тўдасини ташкил қилди, бу гурух 1914 йилнинг январида «Падаркуш» пьесасини биринчи миллий театр асари сифатида Самарқандда саҳнага олиб чиқди⁸.

Беҳбудий журналист сифатида, айниқса, сермаҳсул ижодкор эди. Бир неча вақтли матбуот нашрларини чиқариш билан бирга, «Хуршид», «Тужжор», «Ҳақиқат» (кейинчалик «Шуҳрат»)⁹ каби газета-журналларда ҳамкорлик қилди. Беҳбудий «Ойна» журналидинг муасси-

си ва бош муҳаррири эди. Илк бора шу журналда унинг Қуддуси Шариғга ҳаж саёҳати тўғрисидаги хотиралари дунё юзини кўрди. Юқорида номлари тилга олинган газета-журналлардаги мақола ва хабарларнинг катта қисмини Маҳмудхўжанинг ўзи ёзарди. У мурожаат этган мавзулар жуда хилма-хил: археология, астрономия, (илми ҳайъат), жуғрофия, савдо, гигиена, қишлоқ хўжалиги, адабиёт, ҳалқ удумлари... Беҳбудий бу мавзулардаги мақолаларини ўқувчиларга ширали тилда, нимкулгули оҳангларда тақдим қиласди. Одатда муаллимлар ҳар доим кўрсаткич бармоқларини юқорига кўтариб, бирор нарсадан огоҳлантириб туришади. Маҳмудхўжанинг муаллим сифатидаги шундай ҳолати унинг бирон мавзуни изоҳлаган пайтдаги юмористик руҳига бутунлай зиддир. Адибнинг мақолаларида эса, шу икки бир-бирига зид ҳолат ғайритабиий равишда уйғуналашиб, ўқувчиларни ўзига тортувчи оҳанрабога айланган.

Беҳбудий барча мусулмон ҳалқлари тўғрисидаги билимларини чуқурлаштиришга алоҳида бир муҳаббат билан интилади. Шу сабабли у ислом дунёсидан олинган турли асл, ишончли хабарларни чоп этди, усмонли турк, татар, форс, афғон газеталарининг хабарларини шарҳлаб, ватандошларига ислом дунёси улар тўғрисида қандай фикрда эканлигини баён қилди¹⁰.

«Миллат қайғуси» Маҳмудхўжанинг кўплаб дастурий мақолалар ёзишга унади, бу мақолалар ачиниш, ўқинч ҳисларга йўғрилган бўлса-да, улардаги «мусулмонларни ҳозирги руҳий ва моддий тушкунликдан фақат маърифат билан фан, билим қутқара олади», деган фикр ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Маҳмудхўжанинг газета ва журналидаги юзаки қараганда, тушкун, кишиларнинг эътиборини тортмайдиган мақолаларнинг мўлкўллиги уларнинг узлуксиз равишида молиявий танглика тушиб қолишига сабаб бўлган бўлса керак. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг табаррук юртга қилган ҳаж сафари тўғрисидаги мақоласида маълумотлар ва амалий йўлланмалар бир-бирига уйғун ҳолда ифодаланади.

1913 йили у ўз журнали «Ойна»да босилган «Ойна нима?» деган мақоласида ўзгага қараб ўзини кўриш, ютуқ ва камчиликларини ҳис этиш вазифасини кўндаланг қўйганди:

«Ойна шундай бир нарсаки, одам унга ўзини кўриш, юзининг қандайлигини билиш учун қарайди. Юзи эса, турли физик ва психик омиллар таъсирида қизил, сариқ, қора ёки оқ бўлиши мумкин. Киши ойнага ногаҳо-

ний пайқаб қолиши мумкин бўлган дардларини даволаш учун қарайди».

«Ойна» Чор Русиясидаги (ҳамда Усмонли Туркия, Эрондаги) мусулмон турк маърифатпарварларининг аиънавий дастурламали эди. И smoilбей Гаспирали ҳам ўзининг «Таржумон» номли газетидан илгари чиқариб турган варақалардан бирини «Миръоти жадид», яъни «Янги ойна» деб атаганди¹¹. «Таржумон» газетининг биринчи сонига келган хатларнинг бирида «Бу газет аср ойнаси бўлсин» деган тилак билдирилганди.

Қози Абдурашид Иброҳимов 1902—1909 йилларда «Миръот — Кўзгу» деган ислоҳий-исломий «қалин журнал» чиқариб турган. 1910 йили эса, худди шу номда бирмунча вақт озарбайжонча-туркча адабий журнал чоп этилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йилнинг августида Самарқандда худди шундай, аммо тўрт тил ва тўрт номдаги «Ойна — Кўзгу — Миръот — Зеркало» журналининг биринчи синов сонини чиқариб, ўз устозларидан анча илгарилаб кетди. Бу журналдаги мақолалар форс, туркий ва рус тилларида чоп этилиши лозим эди, аммо улар фақат туркий ва форс тилларидагина чоп этилди¹². Маҳмудхўжанинг айтишича, ойна ясаш учун шишанинг орқасига симобнинг баъзи моддалар билан аралашмасини ёпишириш керак. Ойнани тайёрлашдан мақсад эса, киши унда ўзининг ва ўзгаларнинг аксини кўра олиши, ўзини ўзгалар билан таққослаш имкониятига эга бўлишидир. Беҳбудий шеърларидан бирида ўша амалга, яъни симоб қотишмаси «ухлаб ётган ва жанговар, ишбилармон моддциончи, тарбиячи — идеалист, ақидапараст, хаёлпараст ва маърифатпарвар Ўрта Осиё кишиларидан ташкил топиши керак», дейди. Беҳбудий фақат шу дастур билан кифояланиб қолмади. У «Ойна»ни чинакам дунё кўзгусига айлантирди, Ўрта Осиё буржуазиясига Париж билан Япония орасидаги замонавий ҳаётни кўз-кўз этди.

Маҳмудхўжа «Дўстлар бир-бирининг ойнасиdir» деган халқ мақолини тез-тез такрорлар, эҳтимол, шу йўл билан у Ўрта Осиё мусулмонлари «Ойна»да ўзларининг бошқа халқларга қараганда афтодаҳолроқ қиёфаларини кўриб қолишганда пайдо бўладиган ноҳуш аҳволнинг олдини олишга ҳаракат қилгандир. Самарқандлик ўқитувчи ва шоир, таниқли жадид Сиддиқий-Ажзий¹³ Маҳмудхўжанинг энг яқин ҳамкорларидан бири эди. «Ойна» дунёга келишидан илгари у «Миръоти ибрат», яъни «Ибрат кўзгуси» номли бир хаёлий асар

яратганди. Ажзий бу асарида хаёлий мамлакатларга сайр қилади ва кўз ўнгида намоён бўлган ўзининг ва Беҳбудийнинг она шаҳри бўлмиш Самарқанднинг орзудаги тимсолини тасвирлайди. «Ибрат кўзгуси» аввал Тифлисда нашр этилиб, анча вақтдан кейинги, яъни 1914 йили Самарқандда босилганига эътибор берсак, ширин орзу билан аччиқ ҳақиқат орасида қанчалар катта тафовут борлигини яққол сезамиз¹⁴.

Маҳмудхўжа ватандошларига уларнинг аянчли аҳволини кўрсатиш учун осон ва тушунарли усуулларни танлайди. «Саёҳат хотиралари» қизиқарли ва енгил тилда ёзилган. Муқаддас юртга ҳаж сафари тўғрисида мақола ёзиш орқали Беҳбудий Ватан ҳақидаги аччиқ ҳақиқатларни тилга олишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Хотиралар 1914 йилнинг кузидан йил охиригача етти қисмга бўлинниб чои этилди. Бизнинг қўли-миздаги таржима матни, афсуски, тўлиқ эмас, афтидан давоми тушириб қолдирилган бўлса керак. Аммо мен мақоланинг таржима матни хотимасидан кейин ҳам давоми бўлган деб исботлай олмайман¹⁵. Ҳар ҳолда муқаддас юрт ҳақидаги хабар худди шу ерда тугайди... Фикримча, Беҳбудийнинг асосий мақсади муқаддас қадамжоларни таъриф-тавсиф этиш бўлмаган. Шу сабабли муаллиф уларни озгина таърифлаш билан кифояланган. (Мақолада яҳудийлар қадамжолари, насронийлар муқаддас ҳисоблайдиган жойлар ва ислом осор-атиқаларини тасвирлашга қарийб тенг жой ажратилган.) Шу иши ҳамда тасвирланаётганда эҳтиросга берилмаслиги, ўзидан қўшиб-чатмаслиги орқали Беҳбудий том маънода ўзидан илгари насиҳатомуз «Ҳажнома»лар битган муаллифларнинг анъаналаридан четга чиқади. Бироқ шунга қарамасдан, Беҳбудий мақоласи тасвир тиниқлиги жиҳатидан илгари битилган, сафарнинг барча тафсилотлари муфассал келтирилган йўл кўрсаткичнамо «Ҳажнома»ларга ўхшаб кетади¹⁶. Беҳбудий 1910 йилларда татар ва Ўрта Осиё газеталарида тез-тез чоп этилиб турган, ҳожилар учун берилган маслаҳатлар қабилидаги мақола ёзишни мақсад қилмаган бўлса-да, келажакда Ўрта Осиёдан ҳажга йўл оладиган кишилар учун жуда ҳам ҳаётий маслаҳатлар беради¹⁷.

Маҳмудхўжанинг «Саёҳат хотиралари» асарини қайсиdir маънода «Саёҳатнома»ларнинг кейинги асрларда шаклланган чигатойча намуналарига менгзаш мумкин. Маълумки, ўша саёҳатномаларнинг муаллифлари журроий тасвирлар орқали савдо ва дипломатик муноса-

батларға, ижобий таъсир күрсәтишгә уринганлар. Беҳ-
бүдий ҳам ватандошларини Фаластин билан савдо-сотиқ
ҳамда саёҳат соҳасида ҳамкорликка ундаш иштиёқида
бўлиган. Шу маънода у берган маълумотлар жуда му-
фассалдир, аммо барибир, бу хабарлар саёҳат таассу-
ротининг фойдали, қўшимча маълумоти каби туюлади.

Типологик ва услуг жиҳатидан Маҳмудхўжанинг
асари 1751 йили дипломатик йўл билан Ҳиндистонга
борган ва хотираларини ярим саргузашт, ярим ҳисобот
тарзида ёзган нотаниш татар савдогарининг битиклари-
га фавқулодда жуда ўхшаб кетади. Бироқ Маҳмудхўжа-
нинг асари татар савдогарининг битикларидан фарқли
ўлароқ таълимий-тарбиявий хусусиятга эга¹⁸.

1913 йили «Вақт» газетида Қуддуси Шарифга қи-
линган ҳаж тўғрисидаги бошқа бир бадиий саёҳатнома
татар тилида бўлиниб-бўлиниб чоп этилганди¹⁹. Эҳти-
мол, шу асар Беҳбудийни «Саёҳат хотиралари» асарини
ёзишга илҳомлантиргандир. Татар тилидаги бу эссе
муаллифи ижтимоий-тариҳий таҳлилдан қочиб, соғ тав-
сифчиликка берилган, ўқилиши осон, бозори чаққон
асар ёзиш учун Қуддуси Шариф саёҳатини восита қи-
либ олганди. Маҳмудхўжа эса Қуддуси Шарифга саё-
ҳати баҳонасида ўқувчиларга кўнглининг тубида чўкиб
ётган ғам-андуҳларини, Ўрта Осиёнинг дард-ташвиш-
ларини баён этиш ҳамда ватандошларига уларнинг
хатоларини кўрсатиб бериш учун бу асарни битган. Маҳ-
мудхўжа Фаластинни бекордан-бекорга ўз дардларини
айтиш учун восита сифатида олгани йўқ. У Фаластинда
яшовчи мусулмон араблар ҳаёти билан Ўрта Осиёда
яшовчи мусулмон юртдошларининг ҳаётини бир-бирига
таққослаб кўради. Аён бўлишича, ҳар иккала халқ ҳам
ажнабийлар истибоди остида яшайдилар ва ҳар ик-
кала ҳолда ҳам мустамлакачилар овруполиклардир.
Маҳмудхўжа Фаластинда Усмонли давлати эмас, балки
Оврупо империалистик кучлари ҳукмрон эканлигини
аниқ кўради. Худди Ўрта Осиё мусулмонлари билан ер-
ли ҳамда четдан келиб қолган яҳудийлар ва татарлар
Русия империяси ташиб кетганидан кейин қолган-қут-
ган моддий бойликлар устида талашиб-тортишганла-
ридек, Фаластиндаги мусулмон араблар билан ғасроний
араблар, ерли яҳудийлар турли Оврупо мамлакатлари
вакиллари ва сионист кўчманчилардан қолган-қутган
нарсалар устида талашиб-тортишадилар. У ёқда ҳам,
бу ёқда ҳам ерли мусулмонлар ижтимоий табақаланиш-
нинг энг қуёйи поғонасига тушириб қўйилганди. Беҳбу-

дийнинг фикрича,nochor аҳволга тушиб қолишларида мусулмонларниң ўзлари ҳам айбор, чунки улар мустамлакачи ҳукуматниң «билим олинглар» деган таклифини рад этадилар, ўзлари ҳам халқни маърифатли қилиш учун қўлларини совуқ сувга урмайдилар²⁰. Беҳбудий ўқувчиларга Фаластинда яшовчи араб мусулмонларининг тақдирини намойиш этади. Баъзилар бу қиёслаш орқали Беҳбудий исломпарастлик гояларини ёйишга ҳаракат қилган деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, аксинча, Беҳбудий бунга мутлақо интилмайди, баъзи ҳолларда эса, фаластинлик мусулмонларни «кир-чирга ботган араблар» деб тасвирлаб, ҳурмат-эътиборга кўпроқ лойиқ бўлган туркистонликлар бир чеккада қолиб, империячи кучлар арабларнинг эътиборини қозонишга уринаётганидан файрлиги қўзиганини ҳам яширмайди. Бир диндаги кишиларниң яқинлиги ясамадир, чинакам бирдамлик эмас; камдан-кам ҳоллардагина Беҳбудий «барча мусулмонларниң бирлиги» тўғрисида сўз юритади. Маҳмудхўжа тушунчасидаги бирдамлик фақат унинг ўз миллатига тааллуқлидир. Миллат эса, фақат диний эмас, балки диний ва маконий нуқтаи назардан таърифланиши лозим, яъни Беҳбудий «барча мусулмонларниң бирлиги» деганда, фикримизча, биринчи навбатда, Ўрта Осиё мусулмонларининг бирдамлигини тушунган бўлса керак. Шу бирдамлик тушунчаси Беҳбудийнинг сиёсий нуқтаи назарини ҳам белгилайди. Ўрусларниң Фаластиндаги ишларини мақтар экан, Русия фуқароси сифатида бу мамлакатдан жуда ғуурланади, бироқ русларниң мустамлакачи сифатида Ўрта Осиё миллатига нисбатан хатти-ҳаракатларини тасвирлаётганда уларниң империалистик қилиқларини кучли, танқид ўти остига олади. Сионист кўчманчиларниң Жаффадаги фаолияти тўғрисида Беҳбудий томонидан айтилган гаплар ватандошларига қарата: «Мустамлака занжирларини парчалаб ташланг!» — деган чақириқقا ўхшаб жаранглайди: яхудий кўчманчилар бугунчалик маркани конвертнинг ички тарафига ёпишираётган бўлсалар, тез орада конверт устига ёпиширадиган бўладилар — ўртаосиёликлар ҳам яхудийлар сингари ишга киришсаларгина келажакдаги мустақиллик ва истиқлолга умид боғлашлари мумкин.

Маҳмудхўжа Исмоилбей Гаспиралини қанчалик ҳурмат қилмасин ва ислом дунёсига қанчалар умид боғламасин, барибир, Гаспиралиниң исломпарастлик қарашларини, мақсадларини маъқулламайди. Аксинча,

у бутунлай бошқа, жадидча принципларга садоқат ила риоя қиласы. Беҳбудийнинг «Саёҳат хотиралари»да унинг, асосан, дүнё билан ҳамжиҳатлик, маърифатга юз буриш, маданий муассасаларни кенгайтириш, хўжалик юритишида илғор фан ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берганлиги яққол кўзга ташланади. Хотиралар сўнгида биз унинг ислом руҳонияти, ҳалқи ғарбий ислом амалиёти ва Беҳбудий учун асосий энг долзарбо масалалардан бири бўлмиш исломий ахлоққа нисбатан бўлган муносабати билан танишамиз. Қўлимиздаги таржима матнида шундай ва бундан бошқа Беҳбудий фаолиятига тааллуқли тафсилотлар изоҳлар орқали кўрсатилганлиги учун энди эътиборингизни изоҳларга жалб этмоқчиман.

ИЗОҲЛАР

1. Петер Томзенинг «Фаластин адабиёти» (Лейпциг, 1916) китобида айтилишича, 1910—1914 йиллар орасида юздан ортиқ «Саёҳатнома»лар битилган. Русиядан келган яҳудийлар ва мусулмонлар ёзган бу асарлар Қозон, Саратов ва Одессада чоп этилган.

2. Беҳбудийнинг энг яқин кишиларидан бири бўлмиш Ҳожи Муин ибн Шукрулло «Инқилоб»да Шарқ йўқсуллари озодлигига хизмат этувчи икки ҳафтада бир чиқадиган журналда Беҳбудий вафотига багишлаб ёзган таъзиясини эълон қилган («Инқилоб», 1922 йил, феврал, 36—38-бетлар). Таъзиянинг сарлавҳаси: «Таржима ҳол. Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қандоқ шаҳид бўлганликлари ва анинг томонидан ёзилган васиятнома»: «Ўзбек энциклопедияси»даги ва «Адабиёт тарихи» китобларидағи мақолалар эса, шунчаки хўжакўрсинга ёзилгандир: Улар жуда қисқалиги учун кам маълумот беради. Қайта қуриш бошлангач, жадидлик ва Беҳбудий асарларига муносабат бироз ўзгарган бўлсада, бироқ ҳалигача, тўғри баҳосини олгани йўқ. Қаранг: «Қатл этилган аднаб» («Гулистан», 1988, 10-сон).

3. Худди шундай талаб 1908 йили «Шуҳрат» газетасининг 4-сонида Бектемиров деган муаллиф томонидан ҳам кутариб чиқилгани.

4. «Икки эмас, тўрт тил лозим» («Ойна», 1913 йил, 1-сон, 12—14-бетлар).

5. «Истиқбол қайгуси» («Ойна», 1913 йил, 2-сон).

6. Беҳбудий эскича миллат тушунчаси тарафдоридир. Унинг фикрича, миллат диний ва маконий нуқтан назардан таърифланиши керак. Аммо у қавм ёки миллат деб атаган тушунчаларни тил ва этник томонлардан ҳам таърифлагани сабабли адабнинг асарларида баъзан «мусулмон тили», яъни Ўрта Осиёда яшовчи туркӣ

ёки форсийда сўзлашувчи аҳоли тили ҳамда «араб дини», яъни Фаластинда яшобти арабларнинг ислом дини деган иборалар ҳам учраб туради.

7. Ерли ҳалқнинг татар тилидаги театри Туркистонда 1904 йилдан бери мавжуд эди («Таржумон», 1904 йил, апрель). Беҳбудийнинг театр ва кинога қизиққанлиги хусусида қаранг: «Оврунода тейатролар» («Ойна», 1913 йил, декабрь).

8. Мамажон Раҳмонов. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. Ташкент, 1981.

9. Александр Беннигсен. La прессе эт ле моувемент национал хец лез мусулмане де russeie авант 1920. Париж, 1964.

10. «Туркистонда одатий қабиҳа». «Ойна». 1913 йил, 5 сон.

11. Боқчасарой, 1882 йил.

12. «Ойна»да чоп этилган мақолаларнинг тўртдан уч қисми туркийнинг Самарқанд шевасида, қолгаилари эса форсийда ёзилган. Беҳбудийнинг «икки тилда ва ҳалқ тилида» ёзиши кўп марта-лаб танқидга учраган. Баъзи ўқувчилар форсийга бутунлай қарши бўлишган: «Форсий асло керак йўқ» («Ойна», 1914 йил, 15-сон). Бошқалари эса, форсийдаги мақолаларнинг кўпайтирилишини та-лаб қилишган. Яна баъзи бир ўқувчилар ҳаммага тушунарли, осон тилда ёзии кераклигини уқтиришган: «Лозимки, осон ва ҳам ни-ҳоятда осон ўзбеки или ёзсангизлар» (ўша сонда). Баъзи ўқувчилар эса, ношири ўзбек тилини бузиб юбораётганликда айблайди-лар: «Ойна» тилини авомча ва кўчаги қилиб юборилибdir» (ўша сонда).

13. Беҳбудийнинг Сиддиқий-Ажзийга муносабати хусусида қа-ранг: Вадуд Маҳмуд. «Турк шоири Ажзий». «Инқилоб», 1924 йил, 11—12-сонлар. Худди Беҳбудийники сингари Ажзийнинг ҳам ҳаёт-ти ва ижоди Ўзбекистонда янгидан ўрганилиб, янгича баҳоланиши лозим. Таққосланг: Бегали Қосимов. «Шоир хотирасини излаб...», «Шарқ ўлдузи», 1989 йил, 10-сон. 178—184-бетлар.

14. Сиддиқий «Таржимаи Миръоти ибрат». Самарқанд, 1332 (1914); Бегали Қосимов. «Шоир хотирасини излаб...» — «Шарқ ўлдузи», 1989, 10-сон, 180-бет.

15. Москвадаги Ленин кутубхонасида сақланаётган «Ойна» журналининг ушбу мати олинган нусхаси, афсуски, тўлиқ эмас. Ленинград ва Хельсинкидаги нусхалар ҳам шу аҳволда.

16. А. Х. Алиева: «Списки «Мұхаммад Амин саёҳатномаси» и живая народная речь в ее языковой структуре» («Истоки татарского, литературного языка»). Казань, 1988; Б. Рифтин. «Типология и взаимосвязи средневековых литератур» («Типология и взаимо-связи средневековых литератур Востока и Запада») Москва, 1974.

17. Чинакам саёҳат маслаҳатномаларида руҳсатнома олиш, саёҳат, озиқ-овқат, тунаш жойлари ва уларнинг баҳолари, хавфсиз-лик масалалари бўйича муфассал маслаҳатлар берилган. Уларнинг

энг тўлиқ ҳисоблангани 1913 йил июлда Қозогистонда чоп этилган «Ҳаж йўли» китобчасидир.

18. Бу мақола 1903 йили Қозонда чоп этилган («Исмоил саёҳати». Ризоуддин ибни Фахруддиннинг сўз боши ва изоҳлари билан). Маҳмудхўжа бу китобчани ўқиган бўлиши керак, чунки у татар адабий ҳаётида фаол иштирок этар, ношир билан эса дўстона муносабатда эди. Исмоил мақоласи оддийгина, аммо Маҳмудхўжанинг асари том маънода юксак бадиий савияда ёйилган.

19. Асар 1913 йилнинг сентябрь, октябрь ойларида «Вақт» газетасида чоп этилган. Бу саёҳатнома услуби жиҳатидан Маҳмудхўжа мақоласидан мукаммалроқ, аммо унда тарбиявий хусусият етишмайди. Ҳар иккала мақоланинг бигта умумий томони бор, улар замерида фаластилинлик мусулмонлар аҳволига қизиқиш бор.

20. Беҳбудий такрор ва такрор руслар билан бир қаторда яхудийлар ва арманларнинг Туркистон мусулмонларига қараганда бой-бадавлат, тўкин-сочин ҳаёт кечириш имкониятларига эга эканликларини таъкидлайди. Такқосланг: «Хуршид», 1906 йил, 6-сон; «Тараққий», 1906 йил, 7-сон; «Ойна», 1913 йил, 8-сон («Хўқанд ва мусулмонлар» мақоласи).

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ «ОЙНА» ЖУРНАЛИ

Ўрта Осиё республикаларида нашр этиладиган журналларни мунтазам равишда ёхуд гоҳ-гоҳ кўздан кечириб турадиган муштариylарнинг троцкийча кўзойнакли, ўткир нигоҳли, бухоролик уламоларга хос улкан салла ва марказий осиёча услубда тикилган чопон кийгани ўрта ёшлардаги хушбичим кишининг суратига назари тушган бўлиши керак. Бу кишини «машҳур тоҷик жадидларидан» деб, аммо борди-ю, китобхон ўзбек тилидаги нашрларнинг муҳлиси бўлса, «машҳур ўзбек жадидчиси», деб танишириш мумкин. Агар 1924 йилга қадар «тоҷик» ёки «ўзбек миллати» деган тушунчалар бўлмаганини назарда тутсак, бу таърифларнинг тўғри ҳам, нотўғри ҳам эмаслигини ҳурматли китобхонлар сезмаган бўлишлари мумкин.

Биз фикр юритаётган зот ким ўзи? У зоти олий самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий бўладилар.

Маҳмудхўжа 1875 йилда туғилган бўлиб, 1919 йилда бу ёруғ дунё билан видолашди ва унга она юрти Туркестоннинг парчаланиб кетганини кўриш насиб этмади.

Агар Маҳмудхўжа тоҷик ҳам, ўзбек ҳам бўлмаса, ёхуд иккаласига ҳам тенг дараҷада мансуб бўлса, у ўзини ким деб ҳисоблаган бўларди? Бу саволга ўринли жавоб бериш учун биз таваккал қилмайлик-да 1913—1915 йилларда ўша пайтда Россиянинг Туркестондаги узоқ вилоят марказларидан бўлмиш Самарқандда у нашр этган «Ойна»¹ журнали саҳифаларини бир варақлаб кўрайлик.

Кўриниб турибдики, Маҳмудхўжа ўзини ва ўз ватандошларини «Маҳдуми Туркестон» ёхуд «Туркистониён» деб атаган бўларди.

Бундан ташқари, бундан қадимиyroқ услубни танлаган ҳолда ўзини танитишда Россия империясидаги бошқа дин вакиллари — христианлар, яҳудийлар, буд-

¹ Бу журнал бир йил давомида Блумингтондаги Индиана университети қошидаги Рокфеллер Феллоушир лойиҳаси (дастури) ҳомийлигида тайёрланган эди. Бу журналнинг тўла нусхалари ана шу фонд кутубхонасида бор.

листлар, динсиз даҳрийлардан фарқлаган ҳолда соддагина қилиб «мусулмон» деб атаган бўларди. Ҳар қалай, Маҳмудхўжанинг журналида ўз-ўзини таниширишнинг жуғрофий услуги кўпроқ қўлланилган бўлиб, муаллиф, шаҳар ёки вилоятига кўра, «Туркистоний» деб номланган бўларди.

Энди эса «ўзбекча» ва «тожикча» ёхуд XX аср бошлирида қўлланилган, бироқ тарихни ёритишда унчалик қўл келавермайдиган ушбу иборалар ўрнига «туркий» ва «форсий» атамаларни қўлласак. Хўш, ўз-ўзимизни танитишда тил мезонларидан фойдаланиш ярамай қолдими? Ахир Россия маъмуриятидаги амалдорлар бу ерда ўз сиёсатини юргизган 45 йил давомида аҳолини у галирадиган тилига кўра миллатларга ажратиб сиёсат олиб борганидагина муваффақиятга эриша олмадиларми? Агар Маҳмудхўжанинг масаласи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар ўз ниятларига етдилар. Маҳмудхўжа форсча ва туркча таомилларни қабул қилишни шунчаки истамаган ва бу ҳақда очиқ-ойдин гапирган ҳам.

Шуниси қизиқки, XX асрнинг биринчи ва иккинчи ўн йиллиги давомида Эрон, Туркия, Евроосиё, Яқин Шарқ мамлакатларида бўлганидек, Россия империясининг кўпгина минтақаларида ҳам тил масаласига бориб тақаладиган этник миллатчилик руҳидаги кўтарилишлар бўлиб турди.

Бу борада араб сессационалистлари ҳаракати ёхуд биз кўраётган масалага яқинроқ келсак, аслида бир эътиқод, яъни мусулмон эътиқоди ва ягона туркий адабий тил — чифатой тили деб аталган тил атрофида тўпландиган майда туркий миллатларни ажратишга интилувчи рус тарғиботчилари фикрини эътиборга олиш лозим бўлади. Борди-ю, туркийзабон миллатлар ўзаро мулоқот воситаси сифатида, ўз она тилидан ташқари, яна бир қўшимча тил танлашни маъқул кўрсалар, албатта, ўз тилларига яқинроқ қариндош бир тилни танлаган бўлардилар.

Кавказ туркий халқлари, Волга бўйи ва Қрим татарлари, ҳатто айрим ўртаосиёликлар ҳам турк тилини туркий миллатлар жамоаси орасидаги мулоқот тили, деб танлашга уриниб кўрганлар.

1860 йилда шаҳзода Жамолиддин Мирзо бошлигидаги эронлик зиёлилар форс тили таркибидаги арабча сўзларни сиқиб чиқариш учун қаттиқ ҳаракат бошлигай эдилар; турк ёзувчилари ўз тилларини арабча

ва форсча сўзлардан фориғ қилишга уриниб кўрганлар: 1911 йилда эса бир татар маърифатчиси ва тиљшуноси² татар тили морфологиясига бағишиланган китобининг сўзбошисини «Бу китобга ҳеч ёт сўз кирмас» иборасини шиор қилиб танлаган ҳолда якунлаган. Ваҳоланки, ана шу шиорнинг ўзида гина иккита бегона сўз ишлатилган. Ҳар қалай, татар муаллифи соф татар туркчасини қўллаш ниятида бўлган.

Татар зиёлилари турк ҳамкасларига турк империяси доирасидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг ўзида ҳам сезиларли таъсир ўтказган эдилар³. Улар руслардан ўрганган романтик миллатчиликни ўзларининг ўртаосиёлик ҳамкаслари ўртасида ёйишга уриндилар. Бу миллатчилик ҳаракати ўз-ўзини танитиш учун фақат битта она тили бўлмори лозимлигини мезон сифатида ташлаб олган эди. Бунинг учун идеал она тили бўлиши шарт эди. Бироқ тил соҳасида бундай радикал софликка интилишнинг натижасиз якунланиши аниқ. Чунки ҳатто яқин қариндош тиллардан олинган сўзларнинг ўзлаштирилиши, генетик жиҳатдан яқин сўзлар ўзагининг бир манбадан келиб чиқиши турган гап, албатта. Бу ғоя фақат бир тилда сўзлашадиган татарлар жамоасида ёхуд икки тилли (татар ва чигатой адабий тилидан фойдаланадиган) жамоада аҳамият касб этиши мумкин холос⁴.

Ҳар қалай, ноқариндош тиллар қоришмаси кенг кўламда қўлланиладиган Ўрта Осиёдек улкан кенглика соф ягона тилдан фойдаланишга уринишнинг мұваффақиятсизликка юз тутиши аниқ бир ҳолдир. Ҳўш, ўртаосиёлик икки тилда сўзлашувчи зиёлилар этник ва лисоний жиҳатдан қўллаб-қувватланаётган романтик миллатчилик сари интилганларида нима рўй берган?

Модомики, бу ҳол 10-йиллар аввалида рўй берган экан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ойна» журнали бу масалага ойдинлик киритиши мумкин бўлган, ўша пайтда Ўрта Осиёда жуда ноёб ҳолда учрайтиган манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу манбадан икки хил

² Nugaibek Torlek.

³ Baldauf. Tatarismus. 14

⁴ Татар зиёлилари бошқа саводсиз кишилар сингари рус тилини хорижий тил сифатида ўргангандар. Иккинчи томондан, татар-рус билингвизм (икки тиллилик) совет даврида пайдо бўлган ижтимоий ҳодисасининг бир кўринишидир.

маълумотни олиш мумкин: биринчидан, бу журнал тилга оид жуда кўп мақолаларни ўз ичига олган; иккинчидан, журналда жуда кўп ноёб мулоҳазаларга бой маълумотлар мавжуд.

Даставвал мен иккинчи тоифага мансуб таҳлилимни ифода этиб, ушбу журналнинг айрим хусусиятларини муҳтасар тарзда ёритиб берсам. 1913 йилнинг август ойида нашр этилган «Ойна»нинг дастлабки сонидаги журнал муқовасида «*har sajdan bohit haftalık musavvar inagalla-ji islomija*», яъни «барча соҳага оид масалаларни ёритиб берувчи ҳафталик безакли исломия журнали» деб ёзилган. Кейинги сонларида эса журналга «туркий ва форсий ўрта шевада, баъзан русча ҳар шевадан баҳс... мажаллайи исломия» деб тавсиф берилган. Қўриниб турибдикি, Маҳмудхўжа ушбу журнални учтилда нашр этиш ниятида бўлган, яъни туркий ва форсийнинг ўрта шевасида ва рус тилида чоп этиши мўлжалланган. Русча сарлавҳасига эса «на узбекском и персидском языках» дея, яъни туркийни «узбекский», форсийни эса «персидский» деб қойиллатиб тавсиф берган.

Ҳар ҳолда Маҳмудхўжанинг мақсади «ўрта шева»ни қўллаш бўлган. Мен эса буни «муроса шеваси» деб атаган бўлардим. Менимча, Маҳмудхўжа бу атамани Ўрта Осиёдан Болқон ярим оролигача бўлган ҳудудда яшовчи туркий халқлар учун тушунарли бўлган «ўрта шева» тилини киритиш иштиёқида бўлган Исломил Мирзо Гаспринскийнинг таъсири остида танлаган бўлиши керак⁵. Афтидан, Маҳмудхўжа туркий ва форсий тилиларнинг ҳар иккаласи учун ҳам умумий бўлган бир ҳолни назарда тутган. Афсуски, у «ўрта шева»ни қўллаш учун қайси регионни назарда тутганини очиқ изоҳлаб бермайди. Ҳар ҳолда Беҳбудийнинг «Ойна» журналида қўлланилган тил Самарқанд маҳаллий шевасига асосланган, журналнинг 80% туркийда, 20% эса форсийда ёзилган эди. Рус тили эса ора-сира эълон қилинган ахборотлар учунгина қўлланилган.

Журнал тилида туркий миқдор жиҳатидангина устунликка эга бўлмаган. Туркийда эълон қилинган мақола матнларидан кўриниб турибдикি, Маҳмудхўжа бу тил-

⁵ Гаспринскийнинг «ўрта шева» ҳақидаги мулоҳазалари билан танишиш учун Лаззеринининг «Исломбей Гаспринский» асарига мурожаат қилишингиз мумкин. (Lasserini. Ismailbey Gasprensky, 209-б.)

нинг коммуникатив функцияси устунлигини алоҳида таъкидламоқчи. Масалан, «Хориж янгиликлари», «Самарқанд янгиликлари» ва ҳатто «Бухоро янгиликлари» рукни остида эълон қилинган маълумотлар ҳам мутлақ туркӣда берилган. Бош мақолалар ҳам айнан шу тилда берилган. Илмий мақолалар туркумига мансуб бўлган, табиий ва ижтимоий фан соҳаларига тааллуқли маълумотлар ҳам туркчада берилган⁶. «Ойна»даги жуғрофияга оид мақолаларгина форс тилида ёзилган⁷.

Шуни эътиборга олиш керакки, жуғрофий йўналишга эга бўлган форсий мақолалар «ўрта шева» тили нуқтаи назаридангина аҳамият касб этиб, уларда Камчаткадаги вулқонлар ҳақида ёки бошқа мавзудаги жуғрофий маълумотлар берилмас, бундай мазмундаги мақолалар туркӣда берилар эди.

Форсий туркумга оид мақолалар «Жуғрофиё чист?» рукни билан юзага чиққан эди. Мусулмонлар тарихида бўлганидек, бу мақолалар тили илмий ахборотдан кўра муаллиф маҳоратини намойиш этишга қаратилган эссе жанрига яқинроқдир.

«Ойна»даги бир рукни остида (айни пайтда) эсселар, мавҳум ва назарий аҳамиятга молик мақолалар ҳам берилган бўлиб, уларнинг тахминан учдан бир қисми форсийда ёзилган, шунингдек, адабиётга оид асарлар ҳажми ҳам туркий матнларнинг ҳажмига яқин.

Агар эълонлар мазмуни Эрон, Афғонистон газета ва журнallарига тааллуқли ёхуд форс тили учун аҳамиятга молик бўлса, форс тилида берилган⁸.

«Ойна»даги «Мулоқот» рукни журнал билан журналхонлар ўртасидаги ёзишмалардан иборат. Унда берилган қисқа маълумотномалар журнал ҳажмини кенгайтириш ёки уни қисқартириб, ҳафталиқ ўрнига икки ҳафтада бир марта чиқадиган нашрга айлантириш ҳақида фикрлари, журнал нархининг ўзгариши ёхуд бирон-биш харакатни қўллаб-куватлаш ҳақидаги мулоҳазалар ўрин олган.

⁶ Муҳаррирга ёзилган хатлардан бирида илмий мақолаларнинг форс тилида берилishi мақсадга мувофиқ бўлиши алоҳида таъкидланган, чунки ўша даврда мадрасаларда таълим форсийда олиб борилган. (15, 1914, 248.)

⁷ Бу туркум мақолалар 1913 йилнинг охиридаги сонларда эълон қилинган.

⁸ Нашриётнинг журнални уч тиллик қилиш иштиёқига кўра, «Ойна»да бир-икки жуфт эълон берилган эди.

Бу тоңғадаги барча билдиришлар туркийда берилған ва Маҳмудхұјка тез-тез үз муштариіларини ҳамкорлық қилиніга қақириб, уларға мурожаат қилиб турған.

Муштариілардан нашриёт номига келған хатларға, одоб иуқтаи назаридан, улар қайси тилде ёзилған бўлса, шу тилде жавоб ёзилған. Үша пайтда туркий эмас, балки форсий ҳали ҳам таълим тили сифатида үз мавқенини йўқотмаган эди. Шу боис, кўпинча Маҳмудхұјка ҳам үз муштариілари билан ҳамфирк ва ҳаммаслак эканини таъкидлаш пайида бўлган⁹.

Энди «эссе» рукни ҳақида бир-икки оғиз сўз айтсан. Бу рукни тузилиши ва тил услуги жиҳатидан жиддий жанрда, яъни одоб муюмаласи борасида қалам тебратишни эслатади. Менимча, бу жанр Чифатой адабиётида унчалик ривожланмаган, форс ва, айниқса, араб тилларидаги ёзишмаларда эса анча тараққиётга эришган, десак, тўғри бўлади. Бадиий ҳамда журналистик характеристидаги барча ёзма асарлар ана шу анъанага асосланған ҳолда яратилған. Шунинг учун ҳам муаллиф учун бу жанрда үз фикр-мулоҳазаларини форс тилида баён қилиш туркийга нисбатан осон кўчган, десак, ҳайрон бўлмаслик керак. Шуни унутмаслик лозимки, Маҳмудхұјка яшаган давр кишилари ва унинг ҳамкорлари мадрасаларда форс тилида таълим олганлар. Улар мавҳум тушунча ва фикрларни туркий эмас, балки форсийда баён қилғанларида бу иш осон кўчган.

Иккинчи томондан, кундалик турмуш тарзи жараёнида улар туркий билан қанча кўп юзлашиб турған бўлсалар, форсийни ҳам шунчалик тез-тез қўллашга тўғри

⁹ XX аср бошларида туркий тил ҳали замонавий мулоқот табларини тўла қондира оладиган даражада ривожланиб улгурмаган эди. Бу тил жадид ва рус-тузем мактабларида ўқитилған бўлса ҳам, «замонавий» мактабларни битирган кишиларнинг кўпчилиги амалиётда ўзининг мукаммал қоидаларига эга бўлган (рус ёки форс) тилдан фойдаланишга ҳаракат қилған. «Қадим»гилярнинг (эски) мактаб ва мадрасаларда Чифатой шеъриятидан ташқари, мукаммал турк тили деярли қўлланилмас, бинобарин бундай мактабни битирганлар ғазал машқ қилғанларидағина туркийдан фойдаланишган. Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний каби етакчи зиёлилар ҳам «Ойна» фаолиятига маълум ҳисса кўшган бўлиб, улар ҳам туркийни 1917 йилдан кейинги даврда, зарур бўлган ҳоллардагина ёзишмаларда қўллаганлар. Ҳатто 20-йилларнинг ўрталарида ҳам туркийзабон совет республикаларида кўпгина таниқли зиёлилар фақат рус тилида ёзган.

келган; бунда туркий тили асосан савдо ишлари ҳамда рус раҳбарлари билан мулоқот давомида қўлланилган. Ҳаёт тақазосига кўра, журнал тили «дарё»нинг гоҳ туркий қирғогига, гоҳ форсий соҳилига ўзини уриб турган.

Бу мулоҳазалар айни пайтда ҳам мантиқий, ҳам содда туюлиши мумкин. Ахборот етказиш, кишиларни ишонтириш ва воқеликни акс эттириш вазифаларини тенг қамраб оладиган бош мақолалар ҳақида нима дейиш мумкин? Агар форсий воқеликни акс эттириш ва ўқувчини ишонтириш воситаси сифатида қўлланилган бўлса, нега энди бош мақолаларнинг аксарияти туркийда ёзилган? Менимча, бош мақолаларни туркийда ёзиш мавжуд анъанааларга асосланган, бу ҳол Маҳмудхўжани ҳам бош мақолалар учун туркийни қўллашга ундаган. Бу масалада Маҳмудхўжага жуда яқин турадиган муҳаррирлар «Шўро» даврий нашрининг муҳаррири Ризоуддин ибн Фахриддин ва «Вақт»нинг муҳаррири Фотиҳ Қаримиylар бўлган.

Бу ҳар иккала нашр ҳам татар тилининг Оттомон (Туркия) туркласига яқин турадиган, яъни туркийнинг бир шевасида ёзилган.

Ҳақиқий ҳаётдаги тил билан газета ва журналлар тили ўртасидаги муносабатларда ғалати бир ҳодиса пайдо бўлади. Ҳатто, бу ҳол кам тилга олинадиган шеърият тилида ҳам кузатилади: бугунги сиёсий масалалар, иқтисодий тараққиёт, театр, кино масалаларига оид шеърий асарлар туркийда ёзилган, тараққиёт зарурати (амалий маслаҳатларсиз)¹⁰, туркистонликларнинг аҳволига ачиниш ва бошқа турли диний масалалар ҳақида форс тилида ёзиш маъқул кўринган¹¹. Журналда биринчи қарашда, ортиқча баландпарвоз руҳда ёзилгац, мавзу доираси чекланган, реал ҳаёт учун аҳамият касб эта олмайдиган шеърий асарлар кўзга ташланиб туради. Шунга қарамай, журнал фаолиятига сезиларли ҳисса қўшган кишилар асосан зиёлилар эканини, уларнинг мавҳум мавзуларга бўлган муносабати кишини ортиқча ҳайратлантира олмаслигини унутмаслигимиз лозим.

«Ойна»нинг тил хусусиятлар ҳақидаги бу фикрларни

¹⁰ Амалий аҳамияти камроқ бўлган маслаҳатлар (уларни Маҳмудхўжа «қуруқ панд-насиҳатлар» деб атайди) форсийда ёзилган материаллар орасида салмоқли ўрин эгаллайди.

¹¹ Ваҳоланки, Маҳмудхўжа диний мавзудаги баҳсларда туркийдан фойдалангани ҳолда унинг рақиблари бўлмиш муллалар форсийда жавоб беришган.

тасдиқлаш мақсадида айрим бош мақолаларда (1.1913. 12—14) Маҳмудхўжанинг икки тиллик масаласига ёндашувини эслатиб ўтишни лозим топамиз:

«Биз, туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбаки сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва уламо тилидур. Бу кунга Туркистонни ҳар тарафидаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур... Араб маданияти Юнонийни Суқрот, Буқрот, Фалотунлардан фойдалангандек, замона ҳозири, маданияти Толстуй, Жул Верн, Киплер, Коперник, Ньютоналардан фойдаланур».

Бу матн Туркистонда тил масаласига тааллуқли бўлган бош мақоланинг бир қисми бўлиб, ўзига хос тарзда очиқ ифода этилган баёнотdir.

Келинг, энди тил ва тилшунослик сиёсатига оид яна бир неча бош мақолага мурожаат қиласайлик.

Бош мақолалардан бирини ўқир эканмиз, (яккатиллик) ва ҳатто тилдаги софликка интилиш 1913 йилнинг кун тартибидағи асосий масала бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Маҳмудхўжа тил соҳасида жадидларга ҳамфирк бўлса-да, бу борада ўз қарашларига ҳам эга бўлган.

«Ойна» муҳаррири журнالнинг дастлабки маҳсус сонларидаги бош мақолаларида аҳолининг фақат икки тил — туркий ва форсийнигина эмас, балки араб ва рус тилларини ҳам ўрганиш зарурати билан юзлашиб турганини, анъанавий илм-фан тили бўлгани учун ҳам туркистонликларнинг араб тилини ўрганиши шарт эканини таъкидлаган. Агар араб ва рус тиллари хорижий тил сифатида ўрганилса, туркий ва форсий бу вақтда она тили мақомини олишга даъво қилаётган эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг айрим ҳудудларида икки тиллиликдан чекинилаётганига ранжириди, шунга қарамай, унинг ўзи учун бу табиий ҳол эди. Баъзи туркийдаги мақолаларга форсий сарлавҳа қўйилар (масалан, «Мавлуд саодат намуд» 13.1914.198.199), бошқа баъзи мақолаларда ҳам Маҳмудхўжа лўндароқ иборалардан фойдаланиш мақсадида туркийдан форсийга ўтиб кетаверар эди. Кўп ўринларда у туркийдан форсийга ўтар экан, уларга бир тилдек, яъни «мусулмоний» ёхуд «мусулмонча» тил деб ҳам қаарар эди. Бу фикрга ўқувчининг ишониши қийинроқ эканини эътиборга олиб, қўйидаги баъзи бир мисоллар келтирмоқчиман:

«Самарқанд ҳокими, Генерал Лукошин, «мусулмо-

ний», яъни «форсий» ва «туркӣ»ни биладилар. Ў киши жадидчиларнинг «Мактаби ислоҳ» мактабидаги якуний имтиҳонда қатнашиб, битирувчиларни рус ва мусулмоний тили бўйича имтиҳон қилиб кўрдилар. Французча мактабга борадиган Жоффалик араб болалари француз тилида ҳам, ўз она тилларида ҳам сўзлаша оладилар. Туркистонликлар эса, руслардан тузукроқ дарс ололмайдилар, улар фақат «мусулмонча»да дарс оладилар». (5.1914.100.)

Бу мисоллар Маҳмудхўжанинг юқорида зикр этилган ўзини-ўзи танитиш усулини эслатади. Бунда, бир томондан, илгариги минтақавий тушунча назарда тутилса, иккинчи томондан, умматларга боғлаб қўйилади, яъни диний жиҳатдан талқин этилади. Бу фикр доирасида тил асосида фарқлаш ўз аҳамиятини йўқотиб, иккинчи даражали аҳамият касб этади. Шундай қилиб, туркий ва форсий «мусулмоний» тил тарзида тавсифланади.

Туркистонликларнинг тил борасидаги бу ҳолатига — икки тиллилликка табиий ҳол, деб қараваш тўғри бўлади. Маҳмудхўжа ҳар иккала тилга ҳам плюрализм нуқтаи назаридан ёндошади. Аслида, у бу ҳолга «сукут аломати ризо» тамойили асосида қарайди, чунки бир тилдан иккинчи тилга кирган сўзларнинг кўплиги ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатларнинг мавжудлиги бир тилдан иккинчисига осонгина ўтиш имконини беради. Маҳмудхўжанинг этник ва тил хусусиятларини эътиборга олишни истамаётганлиги бу ҳолда аниқ кўзга ташланиб туради. Бу ҳолни қўйидаги жумлаларда кузатиш мумкин:

«Баъзи афандилар меҳмонни «қўноқ» дейилади, деб таклиф этарлар, ҳолбуки, қўноқ деганда, бир турк фаҳмайдур. Меҳмон деганда, турк фаҳмлагани устида, яна бир форсий мусулмон қариндошимиз-да англайдур».

Маҳмудхўжанинг этник ёки тарихий тил соғлиги назариясига зид бўлган прагматик қаравшлари унинг қўйидаги фикрларида аниқроқ акс этади:

«Содда тил нима учун керак? Атрофиндаги қавму қариндоши илан сўйлашмоқ учун. Адабий ва илмий тил нимага керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмоқ ва илардан фойдаланмоқ учун. Энди бизга лозимки, атроф, яъни теварагимизни адабийлаштурсак, мунаварлаштурсак, яъни илму фан ила юрутсак... Аммо қадим чигатоїча, мўғулча, ўрхунча ва саҳрои тилларни тургузғон ила на фойда? Ва у тилларга қаю илму фанлар бор? Ҳозирда сўзимизга қўйшулган форсий ва арабий сўзлар бизни арабу форсга бир даража яқин этар. Илму фан

китоблариға яқынлашмогимизгә восита бўлур» (12.1915. 310).

ХХ аср бошларидаги рус мусулмонлари орасида тилга нисбатан бундай прагматик қараашлар кўзга ташланмайди.

Маҳмудхўжанинг ўзига хос ҳолати ва қараашларининг ҳамда кейинги йилларда сафдошларимиз унга бўлган муносабати орқасида келиб чиқсан вазиятни тасвирлаш мақсадида мен ушбу мақолани Туркистоннинг ўша даврдаги типик икки тилли зиёли вакили бўлмиш Ҳожи Муин ибн Шукрулло ҳақидаги айrim мuloҳазаларим билан якунлашни маъқул кўрдим.

Ҳожи Муин Маҳмудхўжанинг жадид маърифатпарварлари даврасига Самарқанд яқинидаги Каттақўронда мактабдорлик қилиб юрган даврида кириб келган эди. «Ойна» журнали фаолиятига ўзининг татарлар тавсия этган ўқитиш услублари ва дастури ҳақида форс тилидаги мақоласи билан ҳисса қўшган. (7.1913.172—174). Айни пайтда у 1913 йилнинг охирларига келиб, адабий таңқидчиликка бағишиланган туркийда ёзилган мақоласини эълон қилди. Орадан икки ой ўтмай туриб, 1914 йилнинг бошларида Ҳожи Муин бирданнiga амалий жиҳатдан ҳар икки тилдан бирини қўллаш тарафдоридан фақат соф бир тил учун курашувчи кишига айланиб қолди. Лингвистик нуқтаи назардан Ҳожи Муин «туркшунос» бўлиб, шу пайтдан эътиборан «Ойна»да унинг бирорта ҳам форсийда ёзилган мақоласи кўзга чалинмайди. Ваҳоланки, 1914 йилнинг баҳор ва ёз ойларида Маҳмудхўжа Самарқандда бўлмаган даврда «Ойна»нинг тақдирли муҳаррир сифатида Ҳожи Муин ихтиёрига берилган эди.

Ҳожи Муин анча тадбиркор киши бўлгани сабабли икки ҳафтадаёқ журналнинг техникавий ва таҳририй жиҳатлари анча яхшиланди. Шу билан бирга у Маҳмудхўжанинг истагидан бир оз четлашиб, «Ойна»ни соф туркий журналга айлантириб ҳам қўйди. Бироқ журнал муқовасидаги «туркий-форсий мусулмон журнали» иборасини ўзгартирмади.

Журналнинг бундан кейинги сонларида форсийда ёзилган мақолалар сони тобора қисқариб борди, 1914 йилнинг 41—42-сонларида форсийда биронта ҳам очерк, шеър ва ҳатто қитъа эълон этилмади. Энди Байтулмукурған Маҳмудхўжанинг кайфиятини тасаввур қилиб қалдасдан қайтиб келиб, журналнинг бундай қиёфасини кўринг.

Билмадим, шу ҳол сабаб бўлдими ёки бошқа сабаблар бўлганми, ҳар ҳолда шундан кейин Маҳмудхўжа билан Ҳожи Муин ўрталарига совуқчилик тушиб, уларнинг журнал таҳририятидаги ҳамкорлигига дарз кетди.

Маҳмудхўжа шошилинч тарзда яна форсийда ёзилган мақолаларни журналга кирита бошлади. Журналнинг 43-сонида форсийда бош муҳаррир имзоси билан иккита катта мақола эълон этилди. Шундан сўнг 1915 йилнинг ёз ойларига келиб журнал умуман ёпилгунга қадар форсийдаги мақолалар мунтазам равишда бериб борилди¹². Бу мақола билан мени Ҳожи Муиннинг кеянги фаолиятидаги тафсилотларини таҳлил қилиш ниятидан узоқман, шунинг учун гапни қисқача якунла-моқчиман. Ҳожи Муин шу воқеадан кейин «Ойна»да чоп этилган мақолаларида муҳаррир фаолиятини танқид қилиб, муҳаррир Маҳмудхўжа эса уларга эринмай бирма-бир жавоб қайтариб турди. Уларнинг мулоқоти туркийда олиб борилди. Тил ёки сиёсий масалада фикр юритилганда Ҳожи Муин туркистонча қиёфасида намоён бўларди. Бироқ 1924 йилги «миллий чегараланиш»дан кейин у тожик тилини маъқул кўриб, шу тилда ёза бошлади. Унинг ўзбек тилидаги мақолалари жуда кам кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Ҳозирги Ўзбекистонда жадидчилик Тожикистонга ишбатан кўпроқ ўрганилаётган бир пайтда, дастлаб икки тиллик туркистонли зиёли сифатида танилган, кейинроқ ўзини соғ туркий тилли адид сифатида намоён этган ва охирида эса бошқа услугуга ўтиб олган бу зиёлиниң фаолиятини ўрганиш бизнинг бу соҳадаги билимимизга қўшимча маълумотлар қўшган бўлар эди. Ҳар

¹² Маҳмудхўжа ўзининг форсийга бўлган иштиёқини бош мақолаларни форсийда эълон қилиш билан бир қаторда муҳаррирга келган (ўзи ижод қилиб тўқиган?) хатлар ва уларга берилган (айнича, 1915 йилнинг 10- ва 11-сонларида) кенг жавобларда ҳам икки тиллилек масаласини очиқдан очиқ ёқлаб чиқсан... 1915 йилнинг 11-сонида эълон этилган «Лоф» деб номланган мақоласида соғ тиллилек тарафдори бўлган юртдошларини юристлар (тилда соғлилек тарафдорлари) сифатида қоралаб, икки тиллилекка мойил бўлган Қрим татарлари ва Озарбайжон туркларини ёқлаган. Мақолада тилдан арабча ва форсча сўзларни суреби чиқариш билан «Араб ва Эрон дунёсидан узоқлашаётган» юртдошларини қоралаш ҳолатлари аниқ кўзга ташланиб туради.

қалай, ҳар иккала зиёли ҳам үз уринишларида мұваффақияттағы әриша олмадилар.

(Маҳмудхұја Бекбұдай ва Ҳожи Муин — иккі дүст, иккі маслакдош үртасидаги ижодий ҳамкорлик ва бошқа муносабатлар, уларнинг умр йұлы ҳақидағы гаплар, бу алоқида мавзу. Дарқақиқат, муаллиф тұғри таъкидлаганидек, улар ижоди ва фәолиятини үрганиш бу давр маданий ҳаётіга оид қатор янги маълумотлар құшса ажаб әмас. — *Масъул мұхаррир*).

ҲАҚИҚАТ АХТАРИБ

Үзгариш ва узвийлик хусусида

Ушбу мақолага «Ҳақиқат ва илк ўзбек адабиёти» деган сарлавҳа ҳам қўйишимиз мумкин эди, зеро, ундаги асосий гап ҳақиқат хусусидадир. Ҳақиқатни «рост-ғўйлик» деб аташ ҳам мумкин. Бундан ташқари, бу сўз жиддий ўрганиб чиқишига арзидиган яна бир қатор тахминий маъноларга ҳам эга. Мазмуни камалакдек товланадиган, аниқ изоҳлаш ўта қийин бўлган эски ушбу ҳақиқат бизга 1915 йилдан 1935 йилгача бўлган икки ўн йилликнинг қанчалар кўп қатламли бўлганлигини англашга ёрдам беради.

Жаҳолат ва маърифат, идеализм ва реализм, буржуа миллатчилиги ва пролетар интернационализми ва, эҳтимол, «байнамилал мустамлакачилик», деган учинчи бир жиҳатларга ҳам эга бўлган бу икки ўн йилликда озодликка интилиш ва озодликнинг тортиб олиниши, кўп хиллилик ва бир хиллилик бир-бирига тўқнаш келди. Ўрта Осиёда илгари бундай ҳол содир бўлмаган эди, ўша ўн йилликлардан кейин ҳам юз бермади.

Бу даврни икки оғиз сўз билан тасвирлаб бериш жуда мушкул масала.

«Ҳақиқат» сўзи 1915 йили Туркистон мусулмонлари га қандай маънолари билан маълум бўлганлиги хусусида бир фикрлашиб слайлик. Бу тушунча умумисломий эрон-араб-турк маорифи мажмууда 1860 йилдан бошлаб муҳим, кўп қиррали роль ўйнайди. Биринчи навбатда диний мубоҳасаларни олиб кўрайлик. Ўрол ва Нил дарёлари ўртасидаги ҳудудда яшовчи ислоҳотчилар бир вақтлар нозил этилган ҳақиқатни яна давом эттириш учун «ижтиҳод» дарвозаларини қайтадан очиш масаласини кўтариб чиқдилар. Уларнинг фикрича, янги давр мусулмонлардан ҳудди шуни талаб этаётган эди. Иккинчидан, фундаменталистик руҳдаги мусулмонлар эса, илк мусулмонлар ҳақиқат учун жондан кечишига ҳам тайёр курашчилар эди, замонавий мусулмонлар эса хурофот асирларидир», деган фикрга ёпишиб олган эдилар. Ўз ғояларини амалга ошириш йўлида турли тўсиқтар борлигини хаёлдан қочирмайдиган яна бир қатор ислоҳотчилар учун эса «ҳақиқат» уларнинг турмуш ша-

роити, ҳолати түғрисидаги аччиқ воқелик бўлиб, улар буни тан олишга мажбур эдилар.

Сўфийларнинг ҳақиқатни қандай тасаввур қилганлиги ҳам назардан четда қолмаслиги лозим: халққа энг яқин ва энг таъсирчан исломий гуруҳлардан бири бўлмиш сўфийлар ҳақиқатни топиш ва ёритишида ақидапараст сафсатабозлар ҳамда маърифатчиларга насиб этмаган даражага эришган бўлсалар-да, исломий ва ғайриисломий модернистлар томонидан жаҳолатпарастликда айблланган эдилар.

«Реаллик» ва «ҳақиқат» тушунчаларига нисбатан бошқа сезиларли таъсирлар славян миссионер ва шарқшунослари, Усмонли Турк империяси намояндлари, рус «художўйлари» ва, ниҳоят, француз символистлари томонидан ўтказилган бўлиши мумкин. 1917 йилдаги тўнтаришлар арафасида Ўрта Осиёда ҳақиқат ва унга алоқадор «реаллик», «ҳаққонийлик» тушунчалари борасида шундай нуқтаи назарлар мавжуд эди. Улар кейинги ўн йилликда ҳам амалда бўлиб, ривожлантирилди. «Хурофот, онгсизлик билан курашмоқ—ҳақиқат учун ўйл очмоқ, демакдир» («Ўзгаришчи ёшлар» журналининг биринчи сонидаги иқтибос).

Ўрта Осиё жадидлари биринчи навбатда татар жадидларидан ўрнак олдилар. Татар жадид муаллимлари XX асрнинг дастлабки йилларида ноқ Самарқанд ва Қўқон каби катта шаҳарларда, кейинчалик эса вилоятлардаги кичик шаҳарларда, йигирманчи йилларнинг бошларида эса, ҳатто Бухорода ҳам фаолият кўрсатдилар. Ўртаосиёлик кўпгина муаллимлар ва публицистлар Қозон, Уфа ва Оренбург шаҳарларида жадидлар билан яқиндан танишиб олган, ҳатто Истанбул ва Кавказдаги жадидлар билан ҳам алоқа ўрнатган эдилар.

Маҳаллий назорат идораларида қадимчилар (эскилик тарафдорлари) асосий ўринларни эгаллаб турганлиги учун кўпгина бухоролик ва самарқандлик маърифатпарварлар ўз асарларини Истанбул ва Тифлисда чоп эттирган. Ўртаосиёлик хурофотчи диндорлар янги ланиш ҳаракатига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. 1911 йили Бухорода очилган янги мактаб бир неча ой фаолият кўрсатгач, ёпиб қўйилди. 1914 йили Самарқанддаги муаллимлар ўз фаолиятларини тўхтатишига, болаларини янги мактабга берган ота-оналар эса уларни қайтиб олиб, эски мактабга жойлаштиришга расмий равишда мажбур бўлдилар. «Ойна» журналининг 1914 йил 11 январь сонида чоп этилган «Фавқулодда таклиф» деган

мақолада шу түгрида сүз юритилган. Фақат Чөр маъмуритининг аралашувидан кейингина такфирга эга бўлган мударрислар ҳамда уни оммалаштираётган муаззинларнинг фаолияти расман тақиқлаб қўйилди («Ойна», <186> 13, 1914 йил 18 январь).

Шунга қарамасдан, самарқандлик муаллим, ноширова ёзувчи Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг тўгарагини ташкил этди. Ижтимоий йўналишдаги адабиётга қизиқувчи ёшлар тўгарак аъзолари бўлдилар. Уларнинг баъзилари асарларини «Беҳбудий нашриёти»да чоп эттирган бўлсалар, бошқалари ўқищ, ўрганишга зўр бериб, фақат 1917 йилдан кейингина фаол ҳаракат бошладилар. Жадид фаолларининг тилларини бийрон қилган бу ҳақиқат, биринчи навбатда, ижтимоий ҳаётнинг аччиқ воқелиги эди. Жадидлар бу ҳақиқатлардан кенг халқ оммасини огоҳ этиш мақсадида трагедиялар, пьесалар ва ҳикоялар ёздилар. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» (1913), Нусратулла Мулла ибни Қурдатуллонинг «Тўй» (1914), Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» (1915) асарларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Таълимий ва тарбиявий лирикада жадид шоирлар ижобий ва салбий қутблар ўртасидаги дуалистик метафорика (икки томонлама метафорика)ни ривожлантиридилар. Жадидларнинг ўз нуқтаи назарлари ижобий қутбdir. Ҳақиқат, бундай асарларда «нур», «ёруғлик» каби турушунчалар орқали ифодаланган. «Хуршид, қуёш, шамс» истиораси эса билимни, маърифатни англатганди. Салбий қутб эса жаҳолатпастлик унсурлари бўлмиш схоластика, мистика ва «халқ дини»дан ташкил топган. Қонун, шариат, хурофот ва жаҳолат «зулмат», «булут» ва «соя» истиоралари орқали ифода этилган. Уша даврларда яратилган шу руҳдаги қўплаб шеърлар ичидан олинган ушбу ягона мисол ҳақиқат ва билим нури ўртасидаги муносабатни, кўрсатишга кифоя этса керак. Бу шеър Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қаламига мансуб:

<i>Илм ҳақнинг нуридир,</i>	<i>Жаҳл куфрнинг тўридир.</i>
<i>Қаро кўнгил бўридир.</i>	<i>Ҳар душманнинг зўридир.</i>
<i>Ҳар бир яроғ ўткири,</i>	<i>Ҳар бир танинг кулфати,</i>
<i>Ҳар исрофил суридир.</i>	<i>Ҳар бир баҳтнинг шўридир.</i>

Жадидлар «барча ижобий фанларнинг ўқитилиши ғарур», деган ғояни кўтариб чиқдилар, чунки бу ғоя «ислом барча фанларнинг булоғи», деган ақидага мос келар эди. «Ер, кўк, юлдуз ва қуёшнинг ҳақиқатини билин» каби ижодий ҳаракатларга зид ўлароқ эски

мактаблардаги қадимчи-исломий домлалар болаларга турли бўлмағур афсоналарни айтиб, улар миясини заҳарладилар. Наҳанг устидаги ҳўқизнинг ерни ўз шохларида кўтариб турганлиги тўғрисидаги афсона ҳам шулардан биридир. Қадимчилар мусулмонлардан кўпроқ садақа ва хайр-эҳсон ундириш мақсадида ҳақиқатни яшириб, хурофотга бошлидилар. «Ойна» журналининг 12-сонида (1914 йил 11 январь) чоп этилган «Миллатни ким ислоҳ этар?» деган мақолада шу тўғрида сўз юритилган. (Жадидларнинг хурофий тасаввурларга қарши кўрсатган бу фаолликлари уларга қарши турли ҳужумлар уюштирилган кейинги йилларда ҳам уларнинг алоҳида хизматлари сифатида баҳоланган).

Жадидларнинг ҳақиқатни ахтариши борасида инқилобгача олиб борган илгариги ишлари қандай кечганлигига бир назар ташлайлик: жадидлар ўзларини ҳақиқатни билишга муҳтоҷ кишилар, деб ҳисобламаганлар. Улар ҳақиқатни билишларига ёки камида ҳақиқатга элтувчи йўлдан хабардор эканларига амин бўлганлар. Улар ўзлари билган ҳақиқатни халққа етказишни, халқни билимсизликдан нур томон етаклашни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйган эдилар. Жадидларнинг Ўрта Осиёдаги илк авлодида «ўз ҳақиқатларининг ҳақиқати» борасида қатъиятсизлик, гумонсираш сезилмайди. Ўзлари эришган, яъни англаб етган нарсаларнинг барча «бilmайдиганлар» нуқтаи назаридан устунлиги, ўша давр ҳақиқатининг қанчалар ачниқ бўлишидан қатъи назар, жадидларга букилмас некбинлик бахш этган. Улар ўз «ҳақиқат»ларини хурофот, афсона ва жаҳолатга қарши қўйғанлар.

Фикримча, Ўрта Осиё жадидлари орасида энг кўзга кўрингани Абдурауф Фитратdir. Ўзининг «Мунозара» сида у «ҳақиқат натижаси тасодуми афкор аст», яъни «фикрлар хилма-хиллиги ҳақиқатни англашга элтади», деган иқтибосни бежиз келтирмаган. У ўзининг бутун умри давомида ҳақиқат ахтарди ва бу жараёнда фикрлар хилма-хиллиги, қарама-қаршилиги бўлиши мумкинлиги хусусида фақат шиорлар айтиш билангина чекланиб қолмади, балки ҳақиқат ахтара туриб шундай бир даражага эришдики, ўртаосиёллик биронта мутафаккир бу даражага эришмаган. Ҳақиқат ахтариш ва шунга мос равишда озодликка интилиш уни Ўрта Осиёнинг ягона, жиддий атеистига айлантириди.

Фитрат ўзининг илк асарларидан бири — 1911 йили Истанбулда чоп этилган Ҳиндистонда бир фарангি ила

«Бухоролик мударриснинг жадид мастибдори синда қилғон мунозараси»да «ҳақиқат истифода бўлмо лозим», деган жадидча талабга тўлиқ қўшилади оғизнинг жадид мутафаккир касбдошлари ёқлаган ҳақиқатни ёқлаб чиқади. «Мунозара»даги оврунолик Фитрат нинг ўзидир. У қадимчи мударрисга қаратади гизнинг асослари ҳақиқатда не эканлигини билмайсан, деб таъна қиласди. Қадимчи мударрис қашчалар тоғифи бўлса, Фитрат шунчалар кўтаринкилик билан уни чу қур фикрларни изҳор этишга мажбур қиласдики, мударриснинг бу фикрлари қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмаслиги аён бўлиб қолади.

Динга қарши даъват оммавий тус олган 1928—1929 йилларда Фитрат ўзининг кичик-кичик асарларида қайта-қайта ҳақиқат мавзусига мурожаат қиласди. Унинг «Меърож», «Заҳронинг имони», «Зайд ва Зайнаб» асарлари марказида «ҳақиқат»нинг ўзи эмас, балки кишиларнинг ҳақиқатга нисбатан субъектив муносабати туради. У 1928—1929 йилларда, яъни яқинда эълон қилинган ҳақиқатдан бошқа ҳақиқатни топишга уринган ҳар бир шахс сиёсий таъқибга учраши тайин бўлган бир даврда қотиб қолган диндорликдан четланишга чақирди. Фитратнинг кичик асарларида мурожаат қилган мавзулари 1929 йилда расман тақиқланмаган бўлса-да, аммо «ҳаддидан ошиш» деб баҳоланилди. Балки шунданмикан, унинг ҳақиқатни ахтаришда жасоратли бўлишга қаратилган чақириқлари натижасиз қолиб кетди.

Илк жадидларга ўшанда ҳам, бир оз кейинроқ ҳам нурли келажак томон элтувчи ҳақиқий йўлни топиш насиб этмади. Уларнинг бир гуруҳи 1917 йилдаги Февраль инқилобидан кейин ҳақиқатни Миллий Мухториятдан ахтара бошлади ва ўз ижоди билан Туркистондаги миллий истиқололчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлади. 20-йилларнинг бошларига келиб, сиёсий тараққиётда большевикларнинг ғалаба қозониши аниқ бўлиб қолгандан кейин миллий мухторият тарафдорлари бўлган жадидларнинг кўпчилиги большевиклар томонига ўта бошлади, яъни улар отларнинг бошини ҳақиқат томон бурдилар.Faқат баъзи бирларгина ўз орзу-умидларидан воз кечолмай, ҳали ҳам адашганларга ҳақиқат ўйлини кўрсата олишларига умид боғладилар. (Фитрат «Ўқитғувчилар юртига», «Ўзбек ёш шоирлари». Тошкент, 1922). Улар «Рус империализмининг сояси йўқолсин», Туркистон устига миллий озодлик қуёшининг нур-

лари түшсін, деган чақириқларға тұла, оитимистик руҳдаги шеърларини ёзишда давом этдилар. Нур-зулмат истиораси замираидә энди «миллий озодлик — империалистик құллық» тушунчалари ётарди.

Сиёсий ғолиб фақат ҳақиқатга әгалік қилиш ҳуқуқини олиш билангина чекланмайды, энди у дуалистик метафориканинг «нур» қысмани ҳам әгаллаб олади. Миллий руҳдаги шоирлар учун 1924 йилдан кейин фақатғи на хаёлий тасаввур ва зулмат қолған, холос. Ҳудди келишиб олишгандек, улар бу икки истиорані үзларига олиб, келажак ижодларіда улардан фойдаландылар. Жадид зиёліларининг сұнгги тұғарагида иштирок этганларнинг йўллари қандай ажралиб кетганини бунга мисол қилиб келтириш мүмкін. Фитрат ва Боту биргаликда «Чиғатай гурунги» даврасыда ўзбек тилининг назарий масалаларини муҳокама қилиб, бадий асарлар яратғандар. Уларнинг «Ўзбек ёш шонрлари» антологиясига киритилган асарлари юқори даражада ҳамоҳангидир. 1924 йилда эса «Инқиlob» журналида Фитратнинг «Менинг кечам» шеъри чоп этилди. Шундан бир оз кейинроқ бу шеърга жавоб тариқасыда ўша журналда Ботунинг «Менинг кундузим» шеъри босилиб чиқди. Шоирлар йўлининг икки қарама-қарши томонға ажралиб кетганлиги бу шеърларда яққол кўринди. Агар Фитрат қоронғу кечани ўз хаёллари билан банд бўлган ҳолда бемалол шуғулланиш мүмкін бўлган шароит сифатида тараннум этган бўлса, Боту кундузни қайноқ меҳнат оғушидаги социалистик ҳақиқат томон борила-диган вақт сифатида ардоқлади.

...Чўлпоннинг «Мен шоирми?» деган шеъри 1923 йилда ёзилган бўлиб, у ўзбек шеъриятининг бир қанча йиллар давомидаги йўналишини Чўлпоннинг рақиблари англаб етгандан ҳам юқорироқ даражада белгилаб берди. Чўлпон ўз идеали, яъни миллий Мухториятни амалга оширишнинг иложи йўқлигини англаб етган эди. Шоир янги воқелик ва янги тил талабларига мутаносиб равишда ўзининг интилишларини «хаёл» деб атайди; албатта, хаёлни бу ерда икки хил тушуниш мүмкін: у бир вақтнинг ўзида беҳуда кетган хатти-ҳаракатни ва ҳали интилиш мүмкін бўлган мақсадни англатади ва сўнгиси ҳақиқатнинг қарама-қарши қутбини ташкил этади. «Мен шоирми?» шеърида Чўлпон ўз орзу-истаклари, идеали нимага айланғанлигини кўриш учун хаёлни осмонларда сайр эттиради ва идеали қуруқ хаёлга айланыб қолганига амин бўлади. Шу сабабдан у:

*Хаёлм күклардан тушиб кетадир,
Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир...*

деб аччиқ алам билан эътироф этади. «Хаёл» сўзини жадидлар ўзларининг ҳақиқат томон интилишларига зид ўлароқ «жаҳолатпараст»ларнинг ва маҳсус равишда сўфийларнинг интилишларини ифодалаш учун ишлатишган. Аммо бошқаларга хаёл бўлиб туюлган нарсаларни сўфийлар «ҳақиқат» деб, бошқа ҳақиқатлардан «юксакроқ ҳақиқат» деб тушунганларини жадидлар гўёки билмаганга олганлар. Менимча, Чўлпон ўзига «Қаландар» деган тахаллус қўяр экан, маъноларнинг шундай ғалати чалкашилигидан жуда ўринли фойдаланиб, сўз ўйини қилган... Шу йўл билан Чўлпон, биринчидан, мақсадларини «хомхаёл» деб аташган рақибларининг кўнглини чоғ қилган, аммо, иккинчидан, ўзи ҳам жимгина ғалаба нашидасини сурган, зеро, ушбу хомхаёл деб ўйланган нарса охир-оқибатда ҳақиқат бўлиб чиқади-да. Албатта, бу ҳақиқат соф диний ҳақиқат эмас, балки ўзгарган вазиятга мос келувчи ва ҳукмрон доиралар ҳали англаб ета олмаган ҳақиқат эди. (Ҳақиқат алал-оқибатда сўнгги схоластик жадидлар томонида) бўладими ёки дарвишлар томонида бўладими, бу ҳақда тарих ўз ҳукмини чиқаради.

Чўлпон ўзининг муҳторият хусусидаги орзуларини ифодалаш учун қайта-қайта сўфиёна истиораларга муҳожаат қилди. «Қаландар ишқи» шеърини у Мусулмон Шарқи халқларининг қурултойи муносабати билан 1920 йилнинг сентябрида олис Боку шаҳрида яратди. Муҳторият тарафдорлари бу қурултойга катта умид боғлаган эдилар. Чўлпон бу умидларнинг пучга чиққанини ва «Ленинча миллий сиёsat» ғалаба козонганини аниқ билган. Қуйидаги мисраларда сўфиёна истиоравийлик ва «инқилобий» нур истиораси ҳамда шоирнинг исми, яъни «Чўлпон — тонг юлдузи» билан қўшилиб, маълум маънода астрономик мета-метафорика (истиоравийлик) ни ташкил этган:

*Каландардек юриб дунёни кездим, топмадим ёрни,
Яна қулбамга қайғулар, аламлар бирла қайдим-ку,
Мухабbat осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Ушбу мисраларда яширинган ишоралар қуйидаги «тушунарли матн»да намоён бўлади: «Мен сиёсий мақсаҳи бошқаларга «хаёл» бўлиб туюлган киши сифатида

Бокуга бордим, аммо интилган нарсамга эриша олмадим. Мен янги, яхшироқ бир воқелик тонги отаётганини эълон қилмоқчи эдим, аммо бошқа бир қуёш, хусусан, мен четлаб ўтмоқчи бўлган Октябрь инқилоби қуёши менинг қуёшимдан илгарироқ чиқди ва у мени ерга тиқади» (Чўлпон 1938 йилда қатл этилди.)

Битта мақолада Чўлпоннинг «ҳаёл»га нисбатан муҳаббати уфуриб турган барча шеърий асарларини санаб ўтишнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, эстетик нуқтаи назардан ҳамма ҳам ӯзини оқламаган бўлурди. 20-йиллардаги ӯзини шоир деб билган ҳар бир ўзбекнинг «адашганлар»га қарата ғазабпок сўзлар айтиб, марта-басини оширишга ҳаракат қилганини айтиб ўтишимиз кифоя.

20-йилларнинг ўрталарида Туркиядаги тимсолчилар (символистлар) «шоир — ҳақиқат хабарчиси эмас», деб эълон қилган бўлсалар, Ўзбекистондаги танқидчилар ўз фикрларини янада аниқроқ баён этдилар: «Символизм... «яширин бир ҳақиқат»ни, «яширин бир воқелик»ни излаб топишга ҳаракат қиласди» (Абдураҳмон Саъдий. Адабиёт масалалари ва Октябрдан кейинги ўзбек адабиёти, 1930).

Мана, жадидчилик, инқилобчилик, миллатчилик ва ғайридинчилик руҳидаги матнларда «ҳақиқат» тушунчаси қандай акс эттирилганлигини кўриб ҳам чиқдик.

Энди «ҳақиқат», «воқелик» пролетар ёки социалистик реализм адабиётида қандай тасвирланганлигини кузатайлик, зеро, у бизга келажак томон йўл очади, ўтмишдан бугунги кунга кўприк бўлиб хизмат қиласди.

1989 йилнинг ноябрь ойида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Обид кетмон ҳақиқати» деган катта бир мақола чоп этилди. (Умарали Норматов. Обид кетмон ҳақиқати. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». <186> 47. 1989 йил 17 ноябрь). Бу мақола билан «Обид кетмон» эълон қилинган кун орасида эллик беш йиллик давр ётарди. Бу орада қанча сувлар оқиб кетган. Абдулла Қодирий қатл этилган, сўнгра қайта оқланиб; «ўзбек совет адабиёти асосчилари» сафига киритилган, ошкоралик эълон қилинган, социалистик реализм методи бадиий услуб сифатида йўқ қилинган эди. Буларнинг барчасидан хабардор киши «Обид кетмон ҳақиқати» деган сарлавҳадаги «ҳақиқат» сўзи нимани англаторкан деб қизиқмасдан иложи йўқ. Олдиндан айтиб қўйи, ҳақиқатнинг жозибаси бир хиллигига эмас, балки кўп хиллигига намоён бўлади. Буни мен далиллар би-

лан исботлаб ўтирмайман, зеро, юқорида кўриб чиқилган ҳолатнинг ўзи шундай хулоса қилишга асос беради.

Ҳақиқат очиқ сўзлашдадир, деган машҳур ибора муаллифи Абдулла Қодирий жадидчилик мұхитидан ўсиб чиқди. У инқилобдан илгариёқ ўзининг сатирик асарлари ва каттароқ ҳажмдаги ҳикоялари билан жамоатчиликка танилди. Унинг асарларида бошқа ёзувчиларнинг ўша даврда ёзилган асарларида бўлганидек, маърифий-тарбиявий руҳ уфуриб туради, аммо унинг асарлари улардаги ҳазил-мутойиба, сўз ўйинлари ва, айниқса, услубнинг равонлиги ила бошқа асарлардан яққол ажралади.

Йигирманчи йилларда унинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» тарихий романлари дунё юзини кўрди. Ҳар иккала роман ҳам босмадан чиқиши биланоқ қаттиқ танқидга учради. Танқид Абдулла Қодирийнинг ҳаётий йўлига, яъни унинг ҳақиқатни қандай тушунишига қаратилган эди. Шу сабабдан у «Меҳробдан чаён» романининг сўзбошисида бундай дейди: «Уларнинг (қаҳрамонларнинг, ошиқларнинг — И. Б.) хон ва уламога қарши исёни табиий-шаръийдир. Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам туширар эди». Модомики, Абдулла Қодирийнинг ўзи китобдаги воқеаларни «табиий» деб атаган экан, демак, улар ўта реалистик, яъни ҳар ҳолда агар жоиз бўлса, «илк социалистик-реалистик»дир. Ўттизинчи йилларнинг бошлирида Абдулла Қодирий рақибларининг барча камситишлиари ва танқидларига қасдма-қасд шўро ёзувчиларининг Москвада бўлиб ўтган биринчи қурултойида делегат сифатида иштирок этди. Аммо рақиблар тинч ўтиришмади, 1935 йилда ёзувчининг «Обид кетмон» қиссаси чоп этилиши билан воқеликка ён ҳашувда «синфийлик» йўқ, деган баҳонани рўкач қилишиб, асарни қаттиқ танқид остига олишди. Шундан сўнг Абдулла Қодирий «Шубҳа» сарлавҳали кичик ҳикоясини эълон қилди. Худди «Обид кетмон»дагига ўхшаб «Шубҳа» ҳикоясидаги воқеалар ҳам ёш колхозлар ҳаётидан олинган.

Ҳикоянинг сарлавҳаси «Шубҳа», аммо, менимча, ҳақиқат ахтарувчи Абдулла Қодирий бу ҳикоясида иккита шубҳани тасвиrlаган. Биринчи шубҳа қаҳрамонларнинг ўзини тутишига, хатти-ҳаракатига қаратилган. Ўқитувчи Тўйчибоевнинг қанақа отам эканлигини, у чиндан ҳам, яхши ниятдаги огоҳлантирувчими ёки саботажчилардан бирими—аниқ билмайди. Нега у синфий душманни бу ишга аралаштирган, умуман, у шундай

қылғанми — буларнинг барчаси ўқувчига қоронғи. У Зуҳировдан кўра кўпроқ маълумотга эга эмас. Зуҳиров ҳам барча ҳолатларни ўқувидан аълороқ билмайди. Қоронғида кимлигини аниқламай туриб бир кишини отиб ўлдиради, аммо уни жавобгарликка тортиш ўрнига роса мақтайдилар. Бундай шахслардан шубҳаланиш ўринли. Шу сабабдан ёзувчи буни ўқувчиларнинг ўзига ҳавола этади. Ҳикояда Абдулла Қодирий 1922 йили ўртага ташланган «Ҳақиқат очиқ сўзлашдадир», деган шиорига содиқ қолиб, ўз даврининг бир қанча ижтимоий масалаларини очиб ташлаган. Бу масалалар ўзини ягона ҳақиқат эгасиман, деб айюҳаниос солган жамиятда ёзувчининг барча эркинликлардан мосуво бўлишини намоён этади.

Абдулла Қодирий ўз ҳикоясида ифода этган иккинчи шубҳа, фикримча, истирога, бадиий, ижодий мусаффоликка ёки; бошқача айтганда, социалистик реализм методининг асослилигига, қонунийлигига нисбатан билдирилган. Ҳикоя бу услубнинг барча талабларига жавоб беради, шу сабабдан, билишимча, ҳеч ким бу ҳикояни танқид қилмаган. Ҳикояда типик колхозчилар, синфий душманлар, шубҳали саботажчилар қатори қишлоқ аҳолисига тўғри йўлни кўрсатадиган илгор фабрика ишчи-сининг нурли сиймоси ҳам мавжуд. Абдулла Қодирий характерлар ва воқеаларни нозик бир усуlda тасвирлаш орқали бу методнинг ўринли, жўяли эканлигига шубҳа билдиради. Абдулла Қодирий, чамаси, ҳақиқатни ахтара туриб, бурнининг устига ғоявийлик ва партиявийлик кўзойнагини қўндиришни истамати. Рақиблари эса унинг барча асарларида, шу жумладан, «Обид кетмон» да ҳам кишиларни ижтимоий синфларга бўлиб эмас, балки ўзи ясаган иккита синфга, яъни яхши ва ёмонга ажратиб тасвирлаганини рўкач қилган ҳамда унга таъна тошларини отадилар. Бу таъналар 1989 йилга келибгина шубҳа остига олинди. Социалистик реализм методи ўзининг устуворлигини йўқотгач, кишилар реализми худди Абдулла Қодирий тушунгандек, яъни воқеа ва ҳодисаларни ҳаётда қандай сотир бўлган бўлса, шундай тушунишга мойил бўла бошладилар (А. Қодирий. «Қизил Ўзбекистон». <186> 69. 1935 йил 14 март).

Умарали Норматов «Обид кетмои ҳақиқати» сарлавхали мақоласида бундай деди: «Бадиийликнинг бош мезони — ҳаёт ҳақиқатини ўзига хос тарзда кашф этишидан иборат». Эҳтимол, бу 1989 йилга келиб «ҳақиқат»

түшүнчаси «воқеликкінг янгича күриши» деган мазмунга эга бўлди, деганимикан? У ҳолда мақола «Обид кетмон» ҳикоясида реализм түшүнчаси» деб аталыни лозим эди. Эҳтимол, «Ҳақиқат» сұзининг бошқача талқини, хусусан диний мавзуларга тааллуқли ифодаси түғрироқдир. 1989 йилдаги мақола муаллифи битта саҳнага, айниқса, кенг ўрин берган. Үнда Худога ишонувчи киши ўта қобилиятли ва меҳнатсевар бўлса-да, партия аъзоси бўла оладими, деган масала кўрилган. Эҳтимол, ҳикоя қаҳрамонига «Обид» исми, яъни «Худонинг хизматкори», деган исм бежиз танланмагандир. Тўғри, бу шунчаки бир мулоҳаза холос, аммо Обид диндан воз кечишни истамаганлиги, партияга ўтишни рад этганлигига қарамасдан, партияning фаолларидан бири бўлмиш маърифатчи дўстининг саъй-ҳаракатлари билан партия аъзолари сафига қабул қилинади. «Дин масаласини олдиндан очиқ қолдирамиз», деганди 1935 йилдаги партия фаоли. «Бу масала ҳали ҳам аввалги ҳолида», дейди 1989 йилда танқидчи. Шундай экан; мақола сарлавҳасини «Обид кетмон ва улуф ҳақиқатлар масаласи», деб тушунсак түғрироқ бўлармикан?..

Узбек адабий танқидчилигининг кўпгина намояндалари ҳозирги кунларда Абдулла Қодирий асарларидағи шу мавзудан илҳомланиб битилган саҳифаларни излаб тошишга ҳаракат қўймоқдалар. Шу нуқтаи назардан, қараганда, масалан, Хайдар Султонов ўзининг «Шоирона, дарвишона бир маъно» мақоласи билан («Узбекистон адабиёти ва санъати», <186> 22, 1990 йил 1 июнь) анча илгарилаб кетди.

Шу сўзларни ёзар эканман, бир зум хаёлга чўмдим. Эҳтимол, бир озириб юборгандирман. Эҳтимол, бу мақола («Обид кетмон ҳақиқати»). ҳозирги кунларда Ўзбекистонда битилаётган сон-саноқсиз мақолалардан биттасидир, холос, зеро, ўзбеклар ўз-ўзини муҳофаза қилишининг хатарли ва машаққатли ўн йилликларидан кейин яна ҳақиқатни ахтаришга киришдилар. «Ҳақиқат» энди «Ўшанда амалда содир бўлган воқеа», деб тушунилмоқда. Шундай экан, «Обид кетмон ҳақиқати»ни энди «Обид кетмон бошидан ўтказган воқеалар түғрисидаги ҳақиқат», деб талқин әтилса, түғрироқ бўлармикан?..

АБДУРАУФ ФИТРАТ: ШАЙТОННИНГ ТАНГРИГА ИСЁНИ¹

Абдурауф Фитратнинг 1924 йилда нашр этилган «Шайтоннинг тангрига исёни» номли драмаси билан ўзбек «худосизлик адабиёти» ўзининг ҳадди аълосига кўтарилиганини инкор қилиб бўлмайди. Дин ва худоларга қарши ўша йиллардаги кураш жараёнида, шу жумладан, ушбуниң Фитрат адабий ижодида эгаллаган мавқеига қарамасдан, «Шайтоннинг тангрига исёни»га адабиётшунослар ҳам, диншунослар ҳам керакли даражада эътибор берган эмас. Бунга, мъълум даражада пьесаниң кам нусхада чиқарилганлиги ва уни кутубхоналарда топиш мушкуллиги ҳам сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Асардан бугунгача фойдалана олмаган олимларнинг диққатини жалб этиш мақсадида унинг матнини (ҳозирги ўзбек имлосидаги транскрипция билан) қайта нашр этмоқчи эдим. «Шайтоннинг тангрига исёни» нинг биргина ўзбек атеист адабиёти эмас, жаҳон эмансипацияпарварлик адабиётида ҳам алоҳида ўринга эга эканлигини назарда тутиб, немис тилига таржима қилиш ва кенгроқ ўқувчилар доирасига тақдим этиш мақсадга мувофиқ кўринди. Қисқача изоҳларни эса драмани Фитратнинг фалсафий-адабий асари сифатида умуман 20-йилларнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида тутган мавқеини аниқлаш борасидаги дастлабки қадам, деб ҳисобланмоғи лозим.

Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» драмасига ўзбек атеист адабиёти мезонида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил баҳони беришга тўғри келади: асарнинг адабий фалсафий даражаси қанчалик улуғ бўлса, ўзбек бадиий тафаккури жараёнига таъсири шунчалик кам бўлди.

¹ Олмон тилида биринчи марта Turkische sprachen und Literaturen. Materielien der ersten deutschen Turkologen Konferenz. Bamberg, 3—6 Juli. 1987 (Турк тиллари ва адабиётлари. Биринчи немис турколологлари конференцияси материаллари. Бамберг, 3—6 июль 1987) китобида босилиб чиқкан. Нашрга тайёрловчилар: Нигеборг Балдауф, Клауз Крайзер, Самиҳ Тезхон, Визбаден (Ото Харасавиц). 1991, 39—74-бетлар; 36—67: матн, таржима, 39, 68—74: изоҳлар.

Абдурауф Фитрат Ўрта Осиёдаги инқилоб йилларида фаолият кўрсатиб, сиёсат билан маданият-маърифат орасида аросатда қолган зиёлилар гуруҳининг ёрқин сиймоси эди. Бир талай донгдор маърифатпарварларга қараганда, Фитрат муфассалроқ ва чуқурроқ шарқона таълим кўрган эди. Айни замонда у рус ва усмонли мусулмонлари ижоди орқали Оврупо фалсафий ғоявий йўналишлари билан ҳам танишган эди. Ҳар икки манбадан истифода этган Абдурауф Фитрат ислом ва Ўрта Осиёнинг турмуш тарзи, маънавияти билан ҳисоблашар экан, жадидчиликда мисли кўрилмаган кенг ва чуқур фикрларни ифода қиласди. Айниқса, унинг дин, имон билан алоқадор асалари бу жиҳатдан айрича бир аҳамиятга эгадир. Улар мутафаккир босиб ўтган йўлпинг пиллапояларини яққол кўрсатиб турадилар: адаб дастлаб ўзининг авж нуқтасидан ўтаётган жадидчиликни ҳимоя қилиб: мутаассиб руҳонийлар ва диний мансабдорларга қарши «Мунозара»сини ёзади². Ижтимоий фаолияти якун топгач эса, сиёсий воқеаларга бўйсунган ҳолда, чакана фалсафа сотувчи файласуфлардек «Худосизлар» журналида қатор ривоятларини эълон қиласди. Шу икки погона ўртасида ўз юксалишининг энг юқори-сига кўтарилиб, маслагининг мутлақо ғалаба қозонишига ишонган оптимист инқилобчи Фитрат «Шайтоннинг тангрига исёни»³ драмасини яратади.

«Шайтоннинг тангрига исёни»ни, гарчи драма де-йилган бўлса-да, аслида саҳна асаридан кўра кўпроқ псевдо-пьеса десак ўрили бўлади. Унинг саҳнага қўйилмаганлиги эса,, аввало, асарнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ қолаверса, ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ҳам сабабчи бўлган.

20-йилларнинг бошларида унчалик кенг бўлмаган томошабинлар даврасига⁴ ўзбек саҳнасида мазмун ва

² Мунозараи мударриси Бухорой бо як нафари фарангি дар Ҳиндустон дар бораи макотиби жаддида Истаңбул 1328; ўзбек тилига Ҳожи Муин б. Шукрулло ағдарган (Ҳиндустонда бир фаранг ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалари ҳам усули жадида хусусида қилган мунозараси, Тошкент, 1943).

³ Шайтоннинг тангрига исёни, Тошкент, 1924 (Ўрта Осиё давлат нашриёти), 20 б.

⁴ Жадид ҳажвий матбуоти омманинг театрга совуқ муносабатда бўлганлигидан тез-тез ачиниб турган. «Муштум»да бўш театр зали гир айланасини томошабинлар ўраган хўроздозлик майдонига қарши қўйилган (5. 1923. 4)

ифодасига кўра турли-туман ижод мевалари тақдим этилар эди. Ҳамзанинг реалистик, экспериментдан холи сиёсий асарлари инқилоб арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигини большевиклар мафкурасига мослаб изоҳлашга уринарди. Орадан уч-тўрт йил ўтмай, ўзбек драм труппаси Вахтангов саҳнасидан илҳом олиб, «Маликаи Турондод»ни қўйган чоқларда ўзбек «Кўк кўйлак» труппалари учун илк сценарийлар ёзилмоқда эди. Саҳналариға замонавийлик шиддат билан кириб келган театр учун «Шайтоннинг тангрига исёни» фоят ёт эди... Абдурауф Фитрат ҳеч қачон, шу жумладан, Бухоро Ҳалқ Республикаси маориф нозири бўлиб ишлаган даврида ҳам ўзи драматургликка, асари эса замонавийликка даъво қилмаган. «Шайтоннинг тангрига исёни» нашр қилинганлигига қарамасдан, унинг ўзбек адабий мўҳитига маъқул бўлмагани, ўзбек театри тараққиётига хисса қўша олмай саҳнадан тушиб кетгани эҳтимол шундандир.

«Шайтоннинг тангрига исёни»нинг эскиргани (архаиклиги) нимада кўринади? Аввало, у персонажлари ва концепцияси нуқтаи назаридан замонавий саҳнага мос эмас. Фитрат характерлар чизмасдан, типлар яратади. Шахс-фигуралар ривожлантирилмайди. Ҳатто воқеа марказидаги Шайтоннинг ўзида ҳам ўзгариш йўқ, гўё саҳнага қадам босмасдан анча илгариёқ Худодан узоқлашиб улгурган.

Фитрат домланинг чифатой арузидағи маҳорати бошдан охиригача назмда ёзилган диалогларда ифодасини топган. Ундаги, вазн, асардаги ҳар хил ҳолатлар асар руҳига мосдир. Фитрат аруздан чиқмайди, ҳалқ шеъриятининг бармоқ вазнига мурожаат қилмайди. Экспериментал сочма-назмга журъат этган бир гуруҳ замондошлирига эргашмайди. Шеърларида ҳатто, Ҳамза каби содда вазнлар ишлатиб, уларни кенг омманинг таъбига ҳам мослаштирумайди. Тўғрисини айтсан, бунга интилмайди ҳам.

Шайтоннинг архаик моҳияти мана шу икки туб хусусиятидан, яъни характерлар ўрнига типлар яратиши ва сочма ёки бармоқ ўрнига арузни қўллашида намоён бўлади. Абдурауф Фитрат «Шайтоннинг тангрига исёни» сюжетига мурожаат этгунига қадар «Иблисининг Оллоҳ буйругини рад этиши» мавзуи асрлар оша нечанечча ислом мутасаввуфларини ўзига жалб этиб келган

эди⁵. (Фитрат ўз қаҳрамонига сарлавҳадаёқ — олдинги талқинлардан узоқлашиш мақсади биланми ё ўзбекчага Шайтон сўзини мувофиқ топганиданми — «Иблис» деб ном бермайди). Мутасаввуфлар Иблисининг таңгри буйргуини рад этишига турлича маъноларни берганлар. Оллоҳ малакларини Одам Атога сажда қилишга буюрганида Иблис берган соҳта рад жавоби тасаввуфда қандай талқин этилган бўлмасин, охир-оқибат Иблис Оллоҳга гўё яна ҳам мустаҳкамроқ боғланган эмиш. Фаридиддин Атторнинг талқинича, Оллоҳга кўнгил боғлаган Иблис унинг қаҳрига сазовор бўлганидан завқ олиб, маъшуқанинг қарғишидан ҳузурланиш истаги билан Оллоҳнинг гапини атайин рад этган эмиш⁶.

Фитрат эса бу маълум мотивга тамоман бошқача маъно беради. Унинг талқинича, исёни орқали эркка чиққан ва исённинг натижасини кўриб, эркка чиқиш мумкин эканлигини идрок этган Шайтон, Худонинг хоҳишихтиёридан чиқиб кетади. Бироқ талқин ҳар қанча янги бўлмасин, муаллиф, модомики, архаик мотивни танлаган экан, уни ёритишда ҳам архаик поэтик воситалар доирасида ҳаракат қиласи.

Бир томондан, икки архаизмнинг ўйғун ҳолда келиши, иккинчи томондан эса икки модернизм улар ўтрасидаги ўзаро мувозанатни майдонга келтиради.

Диалоглар тили Фитратнинг «Чигатой гурунгиги»ни таъсис этиши олдидаги назарий қарашларини акс эттиради. Абдурауф Фитрат ниҳоятда аниқ адабий истилоҳлардан тортиб, туркий тиллар замирида ясалган янги сўзларгача — ҳар бирини ўз ўрнида қўллаб, «ёш шоирлар»га ҳам эргашмасдац, ўзининг тилини форс-тоҷик луғатларидан чекламас эди⁷. 20-йилларнинг бошида ўзбек тили борасида ҳар каллада ҳар хаёл кезиб, ҳар кимнинг бошида ҳар хил хаёллар ғужфон ўйнаб юрган

⁵ Мутасаввуфларнинг Иблис образини қандай ишлатганингни Peter J Awn ўзининг Satans Tragedy and Redemption: Ielis in Sufi Psychology (1983) деган китобида тадқиқ этган.

⁶ Фаридиддин Атторнинг талқинича, Иблис худонинг қарғишига сазовор бўлганидан ғурурланар эмиш (қ. Heimut Ritter, Das Mest der Seele, Leiden 1978, 549).

⁷ Фитрат, Чўлпон, Боту ва Элбек бу плеяданинг энг машҳур дъявлари ҳисобланганлар. Улар ўз шеърларида имкон қадар форс-тоҷик луғатларидан тозаланиб, янги-янги туркий сўзлар билан бойитилган тилдан фойдаланишга интилганлар (масалан, қ.: Ўзбек шоирлари, Т., 1922).

кезларда Фитрат уларнинг ҳаммасидан моҳирона фойдаланаади. Шайтоннинг тили филолог—домлага қанчалик мос ва муносиб бўлса, у қадар кенг ва ўқимишли бўлмаган томошабинларга шу қадар бегона ва тушунарсиз эди. Асарни шундай бир тилда ёзиш билан Фитрат қуидаги фикр-мақсадни кўзлаган.

«Шайтоннинг тангрига исёни» кенг оммага мўлжалланган саҳна асаридан кўра, тор бир зиёлилар даврасининг ўқиб завқ олиши учун яратилган бир асар эди. Тилнинг янгиланишига қизиққан ёки тилни янгилашда фаол иштирок этган шу тор даврагина Фитрат таклиф этган кенг ҳамровли тилни қўллаб-қувватлаши ва қадрига стиши мумкин эди.

Фитрат мисли кўрилмаган бундай янги тилга, мисли эшитилмаган янги бир фикрни баён қилмоққа муҳтож эди. «Шайтоннинг тангрига исёни»даги бош фикр эркка чиққан одамзоднинг барча нарсага қодир, барча ерда ҳозир, ўзидан мамнун эканлиги одамнинг онгига сифмайдиган ва унинг ақли билан идрок қилинмайдиган биру бор худога экзистенциалистларча раддиядир. Шайтон худонинг лавҳ ул қаломини ўрганиб, унинг «фармон»ларини воқелик билан солиштириб, уларнинг мантиққа мувофиқ келмаслигини фаҳмлаб, эркинликка чиқади. Шайтон худодан маънан аллақачон узоқлашганини Одам Атога сажда қилишдан бош тортиши билан ифодалайди.

Шайтон ўзининг аввалги қуллиги эвазига чексиз озодликка эга бўлади: тангрини таҳтидан ағдариб, ўзининг мутлақо эркин эканлигини эълон қилувчи охирги сўзидан сўнг саҳна бўш қолади. Босадиган йўлларини Шайтон олдиндан белгилаб қўйган: у «Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир» деган шиор остида озодлик хабарини Одам ва одамларга етказмоқчи. Бўш саҳна мазмунан муаллифнинг эркинлик ҳақидаги якуний хуносасини англатади: эркинликни ҳеч нарса тўсмаслиги керак.

Шайтоннинг Тангри тасарруфидан чиқиши йўли Фитрат босиб ўтган ҳаёт ва тарбия йўли билан муштарак. Ҳатто бу йўл Фитрат муҳитига мансуб бўлган ҳар қандай изчил мутафаккир йўлига мувофиқ тушади. «Шайтоннинг тангрига исёни»даги диалоглар маърифатпарвар фикр оламига даҳлдор ифодалар—ишоралар билан тўла. Масалан, тушунмайин, ўйламайин топинмоқдан безарсиз (8-бет). Таъниали диалогларда жадидларнинг қадимчилар томонидан тузилган жамиятларга қарши айтган

маломатлари тақрорланади. Менинг каби уж (и) ратлик хотиблар тушунмасдан сўйларлар. Бунлар каби тушунчасиз сомеълар англамасдан тинглайлар (6-бет). Ниҳоят, Фитратнинг экзистенциалистик дунёқарашини ифодаловчи сўзлар тилга олинади. Ўзингизда бор шарафдан қўл чекманг (15-бет).

Фитрат ўз фикрини, мисолларда кўрилгандай, гоҳо тўғридан-тўғри, матннинг тераироқ қатламларига кирмасдан айтиб қўяди. Шунга қарамай, бу сўзлар ўта нозик торларни ҳам тебратишга қодирдирки, бу домланинг бой ифода воситаларидан ва уларнинг барча имкониятларидан самарали фойдалана олишидан далолат беради. Чунончи, муаллиф учаласи ҳам «сабоқ берадиган тарбиячи» тушунчасини ифодалайдиган «мударрис», «муаллим», «ўқитувчи» сўзларини ҳамиша ўз ўрнида қўллайди. Шайтон дастлаб ўзини фаришталарнинг раҳбари ва мураббийси деб атаганида тингловчилар унинг худо сўзи ва ҳикматига шубҳаси борлигидан бехабар бўладилар. Бир пайт Шайтон ...мударрис... сифатида мадрасада гўё қадимчилар сингари маъносиз дарсларни тақрорлайди ва тақрорлатади (қаранг: режиссёр учун дастлабки кўрсатмалар). Малакларнинг раҳбари ва мураббийси бўлганлиги билан фахрланган пайтда эса, у ўзини «муаллим» деб атайди. («Муаллим» узвони кўпинча жадид мактабларида қўлланган). Ушбу кўринишдан сўнг, у ўзида тафаккур орқали шубҳа пайдо бўлганини эътироф қиласди. Пъесанинг охирида тангри («ниндо»), баидаларни Шайтондан огоҳлантироқчи бўлиб, уни «ўқитувчи» деб тавсифлайди ва уни малакларга ўқитувчилик қилгани учун қоралайди. Яқиндагина ясалган «ўқитувчи» атамаси ўша йиллари аксарият инқилобчи ўқитувчиларга нисбатан ишлатилган, қадимча дунёқарашли ўзбекларнинг фикрига кўра, у ростдан ҳам ҳақорат маъносини ифодалаган. Фитрат «мударрис», «муаллим», «ўқитувчи» ислоҳотларини қандай кинояли тарзда қўллаган бўлса, бошқа сўзларни татбиқ этганда ҳам шу йўлдан борган. У сўзларни ҳар доим бир палласига жадидий-инқилобий, иккинчи палласига эса қадимча-мусулмоний дунёқарашиб қўйилган тарози билан тортади. Шайтон «Лавҳ ул маҳфуз»нинг каломи минтиққа мос келмаслигини айтганида, ҳазрати Жаброни, «лавҳ ул маҳфуз»да «ҳақлиқ» номигина мавжуд яхинини қувватлади. Ҳақиқат тушунчаси большевизмга майил бўлмаган жадидлар учун ҳам айрича аҳамиятга эти бўлиб, асарларида тез-тез учраб турарди. Фитрат-

нинг ҳазрати Жаброил тилидан айтилган «Ҳақиқатни яиги йўллардан топ» деган «лавҳ ул маҳфуз» сўзини ҳақиқатнинг мағзи деб таърифлашининг ўзиёқ киноядир.

Фитратнинг умуман жадидлар давраси билан маслакдош ва фикрдош бўлгани Шайтон образида яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга домланинг Бухоро Ҳалқ Жумҳуриятидаги инқилобчилик хизматлари ҳам Шайтоннинг гапларида ўз ифодасини топган. Тангрининг мантиққа мувофиқ келмайдиган ишларидан Шайтоннинг шикоят қилиб, Худо малакларни «кенгашмасдан (...) борлиқ юзига чиқар» ганлигида зорланишига шўрга учган зиёлиларнинг ҳаваси келган бўлса, ажаб эмас: замонанинг арзандаси бўлган «кенгаш» («шўро», «совет») сўзи қулогингиз остида эшитилиб туради — тангрининг кенгашадиган кишиси бор-йўқлигининг эса аҳамияти йўқ...

«Шайтоннинг тангрига исёни» драмаси бошдан охиргача Шайтоннинг Худога қарши айтган кинояли якунловчи сўзига йўналтирилган. Мана шу охирги ибораларда ҳам икки сўз ўзаро зид кўйилади. «Нид» (яъни Худо) барча малакларга раҳбарлик қилиш шаррафи топширилган шайтонни Худонинг буйруғини бажаришдан бош тортганлиги учун жазога мустаҳиқ этмоқчи бўлганда, у Тангрининг юзига шунтай надомат ташлайди: «Чунки билим сенга туташ душманди! Ҳикматинг бор, уни ўзинг кел, қонди!».

Билим билан маърифат-маориф-ирфон бутун драма давомида ўзаро зид қўйилган. Шайтоннинг ўзи икки тушунчани бир-бири билан ҷалқаштирмаса ҳам, ҳазрати Микоил билим билан маърифатни аралаштириб юборади. Фитратнинг истеҳзосига бир эътибор қилинг: малак ҳамиша замонавийлиги сабабидан тенгсиз бўлган билим билан сохта, тагига етиш мушкүл бўлган, маърифат орасидаги фарқни кўролмайди. Унинг айтишича, Шайтон шундай бўлган-бўлмаган, Худонинг ҳикмат-маърифати томон бурилган маълумотларни малак ва инсонларга узатармиш. Ҳазрати Микоил шу ўринда Шайтонга қаратса «билим, ҳикмат кўкларининг нурли ҳулкари» дея хитоб этади — гўё билим ва ҳикмат бир дарахтнинг айни бир хил меваси-ю, бири иккинчидан сира фарқ қилмайдигандек. Ё бўлмаса, ҳикмат деганлари худди билимдан улуғроқ турадигандай... Шайтон (Фитрат) ва Тангрининг ўзаро зидлиги «чин билим» (билим) билан «сохта билим» (ҳикмат, маърифат) ўр-

тасидаги зиддият ва яна бошқа мисоллар ёрдамида кўрсатилади. Масалан, Фитрат Ўрта Осиёдаги барча маърифатпарварлар учун азиз бўлган нур (яъни онгбилим) ва зулмат (яъни нодонлик)нинг антонимларини ишлатади. Малаклар эса ўзларининг нодон ва онгсизликларини ҳеч бир тушунолмай, ўзлари учун «нур» (нурдан яратилган махлук), одамлар учун «зулмат» (қора тупроқдан яратилган махлук) рамзларини қўллаш билан зиёлиликка даъво қиласидилар.

Шайтон асосий зиддиятни ўзининг якунловчи сўзида ифода этади: бир томонда тагига етиб бўлмайдиган, ёлғиз худога оид, «одамни алдаб боғлайдиган» ҳикмат турса, иккинчи томонда эса, замонавий таълим-тарбия туфайли одамни ҳар қандай турли қулликдан халос этадиган билим бор. Малакларнинг тарбиячиси ва ўзининг амру фармони билан одамлар онгини мунаввар этувчи Шайтон, бошқачароқ айтсак, халқ маориф ноziри сифатида Бухоро жумҳуриятининг «бош муаллими» бўлган Фитрат мазкур альтернатива билан юзмаз ўрганида эркни танлайди.

Фитрат бундай қатъий қарорга қандай ва қай сабаб билан келган? Ҳозирги эришилган билим савиямиздан туриб бу саволга жавоб топиш мумкин эмас. 10-йилларда яратилган асарлари ҳам домланинг тор маънодаги атеист эканлигига шаҳодат бермайди. У «Мунозара»ни ёзганида, руҳонийларга қанчалар тош отмасин, исломнинг ҳадди-худудидан чиқмаган ислоҳотчи эди. «Меърож», «Заҳронинг имони», «Зайд ва Зайнаб» ҳикояларини ёзган вақтида эса, ислом ва мусулмонлики, эҳтимол, замонаси талаб қилган ақидалар, баҳс-мунозаралар ва бошқа бемаъниликлар туфайли рад этгандир⁸.

Лекин, Худонинг ўзини инкор этгани эмас. Фитрат адабий ижодининг ибтидоси ва интиҳоси ҳисобланган «Мунозара» билан «Меърож» ўртасида ёлғиз биргина асарда ёзувчининг атеист-экзистенциалист сифатида кўриниши сабаблари ёхуд ушбу ҳодисанинг майдонга келиш омиллари ҳозирча аниқ эмас. У Истанбулдалик пайтида бевосита ёки усмонлилар воситасида асримиз бошида Оврупода тарқалган мазкур фалсафий оқим билан танишган бўлиши мумкин. У ҳолда ҳам Фитратнинг экзистенциализм доирасидаги ғоявий қарашларининг

⁸ Бу қиссалар «Худосизлар» журналида босилиб чиққан (1. 1928. 43-47; 2. 1928; 45—53; 4. 1928, 28—33; 5. 1928. 2.

ўзига хослигини инкор этиб бўлмайди: Зеро, агар, Овруподаги маслакдошлари ҳар доим чексиз озодликдан азобланиб, гайриихтиёрий бир ҳолда худо билан яшамоққа интилган бўлсалар. Фитратда бундай интилиш бўлмаган.

Замонавий Шарқ адабиётида Фитрат яратган «Шайтоннинг тангрига исёни» драмасига ўхшаш асар йўқдек кўринади⁹. Ўрта Осиёдаги фалсафа ва адабиёт ислом дунёсидан тобора ажralиб борганлиги учун унда «Шайтоннинг тангрига исёни»нинг изидан борувчилар ҳам бўлмади.

Совет Ўрта Осиёсида танқидчилар орасида ҳам, кеинроқ динсиз ва атеист курашчилар сафига кирган ёзувчилар орасида ҳам бу драма деярли акс садо топмади. Фитратнинг худосизлигидан ислоҳотчи ҳамкасаблари ётсирашгани каби, жадидчилик мутахассислари ҳам уни ўз мақсадларига мувофиқ кўрмай, тадқиқотлари доирасидан четда қолдириб келдилар.

Большевик «атеистлар», уларнинг ilk қалдирғочи Ҳамзани (ёки Ҳамзанинг ярим-ёрти этиб келган саҳна асарларини тўлдириб берганларни) ҳисобга олмагандан, худо у ёқда турсин, руҳонийларга қарши ҳам адабиётга дахлдор бирор асарни ёзишга муваффақ бўла олмадилар. Бундай «адиблар», албатта, Фитрат талқинидаги атеизмни ўзларига раво кўрмадилар. Чунки унинг атеизми марксистик атеизмдан тамомила узоқ эди.

Хулласи калом; «Шайтоннинг тангрига исёни» Абдурауф Фитрат ижодида, эҳтимол, умуман, ўзбек адабиётида ягона чўққи сифатида ҳозиргача таҳо яшаб келаётir.

⁹ XX аср адабиётида Иблис, одамнинг мукаммалликка, ҳақиқат ва озодликка бўлган интилиши тимсоли сифатида «Шайтоннинг тангрига исёни»дан кейингина маълум маъно касб этди. (қ. Khalil Skaikh: Der Teufel in der modernen arabischen Literatur. Die Reception eines europäischen Motivs in der arabischen Belletristik, Dramatik und Poesie des 19. und 20. Jahr. Berlin, 1986).

Ўзбек адабиёти билан 20-йилларда самарали муносабатда бўлган татар ва озарбайжон адабиётларида шайтон образи тез-тез учраб турса-да, у Фитрат асарига нисбатан енгилроқ ва юзаки талқин этилган (МажитFaфурийнинг «Кўк жаарарик» шеъри, 1923; Охундовнинг 1922 йилда ёзилган ва саҳнага қўйилган «Шайтон» драмаси; Ҳусайн Жовиднинг 1918 йилдан олдингн «Иблис» ва 1936—37-йилларда ёзилган «Иблисни интиқоми» деган пьесалари ва ҳоказо).

ИЗОХЛАРНИНГ ОЛМОНЧА МАТНИДАН НАМУНАЛАР

1) Der Jadidismus

Die jadidistische Reformbewegung Muttelasiens zu Beginn des 20. Jahrhunderts, zu deren aktiven Propagandisten und Praktikern Persönlichkeiten wie Mahmud Cho'ja Behbudiy, Mahmud Tarziy und Munavvar Qori gehörten, steht hinsichtlich ihrer grundsätzlichen Ausrichtung und ihrer Methoden im Spannungsfeld zwischen traditioneller, regressiv-restaurativer auf der einen und modernistischer, progressiv-innovativer Reform. Manche Proponenten sind der "zyklischen Reform" klassischer Prägung verbunden, einige aber orientieren sich an den Reformbestrebungen des bildungsoptimistischen, nach Europa orientierten und akkulturationsfreudlichen Krimtataren Ismail Bey Gasprinskiy und führen ein modernes Bildungssystem und Pressewesen in seinem Sinne ein. Einige Reformer aus Mittelasien werden bekannten osmanischen und tatarischen Reformerpersönlichkeiten gegenübergestellt, die wie sie dem Typus des "Lehrers ihrer Nationen" zugerechnet werden können und in ihren jeweiligen Gesellschaften unterschiedlich erfolgreich gewirkt haben.

2) Mahmud Choja Behbudiy in Palästina

Als Mahmud Cho'ja Behbudiy, der wohl herausragendste und vielseitigste allen Aufklärern und Modernisten Transoxaniens, im Jahre 1914 eine Reise unternahm, die ihn über Kaukasien nach Istanbul, Damaskus und schließlich nach Jerusalem führen sollte, bereicherte er über viele Folgen hinweg seine Zeitschrift Oyina mit einem Reisebericht in Fortsetzungen. Im Spiegel der merkwürdigen und ob ihrer "Fortschrittlichkeit" bewunderwerten Welt, die sich dem Reisenden erschliesst, zeigt Behbudiy den Muslimen, besonders seinen mittelasatischen Landsleuten, ihre bedauerliche Rückständigkeit und plädiert für eine Orientierung am westlich geprägten Zivilisationsmodell.

3) Der pragmatische Pluralismus

Mahmud Cho'ja Behbudiy aus Samarkand ist in den 1910er Jahren einer von ganz wenigen mittelasatischen Intellektuellen, der nicht dem Trend seiner Zeit zur Etab-

lierung einer sprachenzentrierten Identität auf monolingualer Basis hinterherlief, sondern sich bewusst und mit guten Argumenten für eine lebendige Mehrsprachigkeit einsetzte. Selbst aus dem bi- oder plurilingualen Milieu der seit jeher auf Offenheit angewiesenen Stadt Samarkand stammend, konnte er einem eng monolingualen, gar puristischen Muttersprachenverständnis nichts abgewinnen. Er befürwortete daher in seinen publizistischen Schriften vehement die uzbekisch-tajikische Zweisprachigkeit, benutzte selber beide Sprachen in seiner Publizistik und in seinen Sachbüchern und rief seine Landsleute darüber hinaus zum Erlernen von Russisch, Arabisch und anderen Fremdsrachen auf. Sein pragmatischer Ansatz fernab von jedem fanatischen Monismus sollte unter den Bedingungen der (sowjetischen und postsowjetischen) Nationalstaatlichkeit diskreditiert werden und in Vergessenheit geraten.

4) Auf der Suche nach der Wahrheit.

Der Begriff der "Wahrheit" wurde in der ersten Hälfte des 20. Jahrhunderts von vielen für sich vereinnahmt, Die Aufklärer wollten ihr Volk die Wahrheit lehren, die sie aus der modernen Wissenschaft bezogen; die junge Sowjetmacht und die ihr verbundenen Dichter preisen das neue Gesellschaftsmorall als das "wahre," gelegentlich interferierte noch die religiöse Wahrheitssuche, besonders die Suche nach mystischer Bezeichnenderweise nahmen gerade solche Dichter und Schriftsteller das Gegenteil der Wahrheit und Gewissheit, Unsicherheit und Zweifel, für sich in Anspruch, die mit dem Zeitgeist der 20er und 30er Jahre nicht völlig einverstanden waren. Die Möglichkeit, dass "Wahrheit" auch relativ sein und von der Interpretation und Intention dessen abhängen kann, der sie beschreibt und proklamiert- diese Möglichkeit wurde in jener Zeit nicht mitgedacht:

5) "Der Aufstand Satans gegen Gott":

Abdurauf Fitrat, der vielleicht prominteste und auf jeden Fall vielseitigste Denker und Dichter des frühen 20. Jahrhunderts, veröffentlichte Anfang der 1920er Jahre ein Lesedrama, in dem er den klassisch islamischen Stoff der "Verweigerung Satans" aufnimmt. Während allerdings der klassische Satan letztlich seine mystische Vollendung in Gott sucht, nimmt Satan-Fitrat hier definitiv Abschied von der Unterordnung unter einen Gott,

der mit Verstandeskategorien nicht zu fassen ist und dessen Existenz die Unfreiheit des Menschen bedingen würde. Der "Aufstand Satans gegen Gott" ist eine Parabel auf das Streben nach grenzenloser Freiheit, geschrieben in der emanzipatorischen Euphorie der ersten nachrevolutionären Jahre. Da sich die Macht der Sowjets schon bald etablierte und Freiräume aller Art sukzessiv eingeschränkt wurden, kam es nie zu einer wirklichen Rezeption des Dramas, dessen Ansatz gegenläufig war zu den Tendenzen seiner eigenen Zeit. — Der Aufsatz analysiert die doppelte Modernität des Stücks (hinsichtlich Sprache und Botschaft) und setzt sie in Bezug zu seiner doppelten Traditionalität (hinsichtlich Motivik und Stilistik). Er zeigt auf, dass Fitrat in seinem radikalen Streben nach Freiheit sogar den atheistischen Ansatz zeitnauer europäischer Existentialisten überholt hat.

МУНДАРИЖА

Қалбимизга яқин олма. <i>O. Шарафиддинов</i>	3
Мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик ва янгиланиш жараёнида	
Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракати	8
Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда	25
Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойна» журнали	35
Ҳақиқат ахтариб	47
Абдурауф Фитрат: «Шайтоннинг тангрига исёни»	58
Изоҳларнинг олмонча матнидан намуналар	67

Илмий-публицистик нашр

ИНГЕБОРГ БАЛДАУФ

ХХ АСР ҮЗБЕК АДАБИЁТИГА ЧИЗГИЛАР

Тошкент «Маънавият» 2001

Мұҳаррир *B. Муродалиев, С. Ахмедов*

Рассом *C. Соин*

Бадийи мұҳаррир *C. Аззам*

Техн. мұҳаррир *T. Золотилова*

Мусаққиқ *C. Абдусламатова*

Теришга берілді 10.10.00. Босишга рұксат этилді 05.12.00. Бичими 84×108^{1/34}.
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартлы б.т.
3,78. Шартлы кр-отт. 4,2. Нашр т. 3,97. 3000 нұсха. Буюртма № 204. Нархи
шартнома асосида.

«Маънавият» пашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-үй. Шартнома 26—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кучаси, 1-үй. 2001.

Б26

Балдауф, Ингеборг.

ХХ аср ўзбек адабиётига чизгилар //Масъул
муҳаррир: Н. Қаримов/. — Т.: «Маънавият»,
2001. — 72 б.

ББК 83.3(5У)

010124/4



Таныкли немис олимаси Ингеборг Балдауф - бархат хорижий шарқшуносларининг энг кўзга кўринган накиласи. Ака-ука Хумбодуплар иомидаги Берлин университети профессори И.Балдауф туркий халқлар тили, адабиёти ва маданияти масалалари билан ёлғиз ўзи шугудлайибгина қолмай, зикр этилган университетда итмий мактаб ҳам яратган.

Жаҳон халқларининг 11 тилини яхши билган одиманинг итмий фюзилиятида XX аср ўзбек адабиётининг маърифат-парварлик даври ва бу давр адабиёти намояндайлари ижодини кибсий таъсир этиш устивор аҳамиятта эгалир.

Mənəviyat